Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 164 (20. 431) • 1989 йил 14 июль, жума • Баҳоси 3 тийин.

ИШЧИЛАР СИНФИ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШУВ

М. С. ГОРБАЧЕВнинг Ленинградда бўлиши

ЛЕНИНГРАД, 11 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев Нева соҳилидаги шаҳарга келди.

Шу билан у кейинги тўрт йил мобайнида бу ерга учинчи марта келаяпти, шу сафарларнинг ҳар бири мамлакатимизда рўй бераётган ўзгартишлар жараёнидаги бирон-бир бурилиш босқичини нишонлаяпти. Бу ерда, Смольний залида 1985 йилда қайта қуришимизнинг асосий қоидалари баён қилинган эди, ҳозир шу қоидалар амалда рўёбга чиқарилмоқда, тобора янги амалий мазмун билан бойиб бормоқда. Бош секретарь ленинградликларни қайта қуришнинг пешқадами бўлишга чақирган эди.

Бу галги учрашув программаси Ленинград яқинидаги Колпино шаҳарчасида бошланди. Совет оғир машинасозлигининг етакчи марказларидан бири — «Ижорский завод» бирлашмасининг асосий ишлаб чиқариш корхоналари шу ерда жойлашган. Ҳозир бирлашма атом электр станцияларн учун машина-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Ижорский металлургларн «Тяжеловес» деб аталган ноёб қуймалар қуйишни ўзлаштириб олганлар, бу ерда Европадаги энг катта «5000» прокат стани, 12 минг тонна кучланишга эга бўлган чўкичлаш комплекси, ватанимиз фани ва техникасининг бошқа янгиликлари монтаж қилинган ва ишлаб турибди.

Янги техниканинг яратилиши корхонани жиддий равишда реконструкциялашни эмас, бошқаришни тубдан ислоҳ этишни, кўп минг кишилик коллектив турмушидаги социал муаммоларни ҳал қилишни ҳам тақозо этди. Корхонада ўзини ўзи тўла бошқаришга ўтишнинг биринчи босқичи муваффақиятли амалга оширилди: «Ижорский завод» бирлашмаси министрлик қарамоғидан чиқиб ўзига хос совет концерни бўлмиш «Энергомаш» тармоқлараро давлат бирлашмаси составига қўшилди. Бюртмалар соҳасидаги вазият мураккаблашган бўлишига қарамай, корхона фойда олиш планини муттасил бажармоқда, молиявий аҳволи яхши, фаолиятни ўзгартириш жараёнига фаол қўшилди. Бу ерда маҳсулотнинг чорак қисми ҳар йили янгиланиши керак.

Индустриал Ленинграднинг қиёфасини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган бирлашма учун экономиканинггина эмас, экологиянинг ҳам долзарб вазифаларини комплекс ҳал қилишнинг, меҳнаткашларни уй-жой, озиқ-овқат, товарлар, хизматлар билан таъминлашнинг пухта ўйлаб тузилган, бемалол бажарилиши мумкин бўлган программалари керак.

М. С. Горбачевнинг бирлашма ходимлари билан дилкаш суҳбатида асосан шу мавзулар ҳақида гаплашиб олинди.

М. С. Горбачев йиғилган кишилардан уй-жой билан таъминлашнинг аҳволи қандайлигини — янги квартиралар олиш учун қанча киши навбат кутиб турганлиги ва ҳар йили қанча квартира қуриб битказилаётганини сўради. Вазият — мураккаб, жавоб қайтаришди машинасозлар, йилига 200—250 та квартира қурилмоқда, бироқ вазифани 2000 йилгача ҳал қилиш учун бир неча баравар кўп уй-жой қурилиши зарур.

— Хўжалик усули-чи? Уй-жой қурилишининг бу усулини нега ривожлантирмайсизлар? — деб сўради М. С. Горбачев ва Донецкдаги машинасозлик заводларидан бирида бу муаммо қандай ҳал этилаётганини гапириб берди. Айни хўжалик усули ҳисобига иш илгари силжиди, навбат жуда камайди.

Ҳозир маблағ корхонанинг ўз ихтиёрида-ку, ахир. Хўжалик ҳисоби деб мана шуни айтадилар, бу усулдан хўжайинларча фойдаланишни ўрганиб олинглар—уй-жой, болалар боғчалари қурингларр, овқатланиш муаммосини ўз теплица хўжаликларингизни қуриш ҳисобига ҳал этинглар. Ҳозир эса шундай бўлмоқдаки, корхоналар меҳнат шароитларини яхшилаш, реконструкциялашни авж олдириш, янги технологияларни жорий қилиш, социал тузилиш муаммоларини мустақил ҳал этиш учун ўз даромадларидан жуда кам маблағ сарфламоқдалар. Масалан, биз халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехида меҳнат шароитлари ёмонлигини кўрдик. Афсуски, хўжалик ходимлари иш ҳақини кўпайтиришга кўпроқ интилмоқдалар. Масалан, Ленинградда меҳнат унумдорлиги 6 процент ошган, иш ҳақи эса бундан бир ярим-икки баравар тезроқ кўпайган. Хўжалик мустақиллиги шунақа бўлиши керакми ахир? Товар билан, пировард маҳсулот билан мустаҳкамланмаган пул тўловларини шунчаки кўпайтираверишга йўл қўйиб бўлмайди.

— Умуман «Уй-жой-2000» программаси бажарса бўладиган режами?— деган савол берилди.

— Агар ҳозирги беш йиллиқдагидек қурадиган бўлсак, бу программанинг бажарилиши амри маҳол,—деб жавоб қайтарди М. С. Горбачев. — Гарчи биз ўтган уч йил ичида уй-жой қурилиши суръатларини анча кўпайтирган бўлсак ҳам, бу етарли эмас. Муаммони ҳал қилиш учун қудратли ресурслар базасини вужудга келтириш мақсадида давлат капитал маблағлари, корхоналар, кооперативлар, якка тартибда қурилиш олиб бориш йўли билан маблағ ва куч-ғайратларни бирлаштириш зарур. Узоқ вақт битмай ётган қурилишлар ҳажмини дарҳол камайтириш, ўз маблағи ҳисобидан уй қуришга қодир бўлган ва шундай қилишни хоҳлаган кишилар учун материалларни бозорга чиқариб, уларни кредитга бериш ёки кооперация асосида ишга солиш керак. Бироқ иш маблағга эмас, балки қурилиш базасига бориб тақалади, албатта. Шундан кейин эса кўпроқ мебель, кўпроқ санитария техникаси бўлиши зарур. Бу масалалар юзасидан ҳозиргача махсус қарорлар қабул этилди. XIII беш йиллик учун тузилган режалар ҳар ҳолда бурилишга эришиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Магазинларда маҳсулотлар етишмаётганлиги, сабзавот ва мевалар қимматлиги, кўпгина кооперативлар муҳокама учун эълон қилинди. Барча республикаларда, ўлкалар ва областларда ҳам шундай иш қилинмоқда.

Шундан кейин «Ижорский завод» бирлашмасининг дастлабки ташрибасини таърифлаб, ҳозир сизлар саноатни бошқаришнинг янги структураларини вужудга келтириш соҳасида қилаётган ишларингиз ленинградликларгагина эмас, бутун мамлакатга керак, деди. Бўлиб ўтган учрашувда янги хўжалик бошқарув структураларининг ҳозирча мавжуд бўлган иқтисодий шароитларга ўтилишидаги қийинчиликлар ҳақида ҳамда ҳозиргача концёрнларнинг меҳнатчилари фойдаланишга мувофақ бўлган ёки яқин вақтларда фойдаланиладиган афзалликлар ҳақида гапирилди.

М. С. Горбачев концёрнларнинг ичидаги янги хўжалик алоқаларини, уларнинг социал программаларини батафсил суриштирди. Шундан кейин у корхона цехларида бўлди, ишчилар ва мутахассислар билан бафуржа суҳбатлашди, совет кишиларининг турмушини яхшилашга оид бир қанча маслаҳат ва таклифларни эшитди.

Ҳозир биз ўзгартишларнинг энг илк босқичида турибмиз, деб таъкидлади Бош секретарь. Бинобарин, шу вазиятда, айниқса турмуш турли-туман камчиликлар, таъминотдаги узилишлар, бошқа социал чигалликлар тарзидаги тобора янги-янги муаммоларни олдимизга кўндаланг қилиб қўяётган бир пайтда саросимага тушиб қолмаслик жуда муҳимдир. Экономика аввало меҳнат коллективларининг ташаббуси ва куч-ғайратига таянади, бироқ яқин вақт ичида етилган қалтис муаммолардан кўпларини тугатишни таъминлай оладиган кескин қарорлар ҳам жуда керак.

М. С. Горбачев маҳаллий советларга ўтказиладиган сайловда меҳнат коллективларининг манфаатларини демократик йўл билан тўлароқ ҳисобга олиш, ҳокимият органларида меҳнат коллективларининг вакиллигини кенгайтириш имконини берадиган таклифларни қўллаб-қувватлади. Баъзи кишилар бошқарадиган, бошқалар эса ишлайдиган вазият юзага келиши керак эмас, деб уқтирди Михаил Сергеевич. Ишчиларга барча погоналарда ишлаб чиқаришни ва мамлакатни идора қилиш учун реал имконият таъминлаб берадиган механизмлар зарур. Яқинда бўлиб ўтган съездда ишчи депутатлар қилган ҳаракатлар, уларнинг СССР Олий Советидаги иши ва бутун мамлакатдаги вазият шундай қилишнинг одилона экаанигачина эмас, зарурлигига ҳам ишонч ҳосил қилдирди.

Учрашувда М. С. Горбачев шу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг қайта қуриш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳот, советларнинг ролини ошириш, партия ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш муаммолари хусусидаги кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

* * *

Тушдан кейин Смольнийда М. С. Горбачев КПСС Ленинград область комитети бюросининг аъзолари, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари билан учрашди.

Сафарда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари, номзодлар Г. П. Разумовский ва Ю. Ф. Соловьев М. С. Горбачев билан бирга бўлдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев 12 июлда Ленинграддан Москвага қайтиб келди.

(ТАСС).



СУРАТДА: «Ижорский завод» ишлаб чиқариш бир лашмасига ташриф пайти. Н. Беркетов телесурати. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

СССР Олий Совети аъзоларининг навбатдаги иш куни 11 июлда СССР Олий Советининг биринчи сессияси СССР Олий Советининг мажлислар залида ўз ишини давом эттирди. Кун тартибида СССРнинг янги ҳукуматини тузиш масаласи турибди.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** СССР алоқа министри лавозимига тавсия қилинган Э. К. Первишин номзодини муҳокама этиш тўғрисида таклиф киритади.

Минбарда — **Э. К. Первишин.**

Министрлик лавозимига номзод тармоқни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида депутатларга батафсил ахборот берди. Тармоқнинг ўз машинасозлигини яратиш устун йўналишдир, деб таъкидлади у. Бу йўл техника билан қайта жиҳозлаш суръатларини жадаллаштириш имконини беради ва ҳозир ярим миллиард сўмлик шундай маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Бироқ деб таъкидлади нотиқ, тармоқ халқ хўжалиги билан аҳолининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Масалан, ҳозир 15 миллионга яқин граждан квартираларга телефон ўрнатилишини кутиб турибди. Масала, ўн учинчи беш йилликда батамом ҳал этилади, деди сўнгра нотиқ, бунинг учун мудофаа тармоқларининг соҳаси ўзгартирилиши туфайли бўшаётган қувватлардан фойдаланиш, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан куч-ғайратларни бирлаштириш кўзда тутилган.

Сўнгра нотиқ мамлакатда телевидение ва радиоэшиттиришни ривожлантириш программаларига муфассал тўхталиб ўтди. Бу соҳада, деб таъкидлади у, космик техникадан кенг кўламда фойдаланиш мўлжалланмоқда.

Почта алоқаси — нозик масала. Бу кичик тармоққа узоқ йиллар мобайнида мутлақо ёрдам бермай, фақат талабчанлик қилиб келдилар, деди ҳукумат аъзолигига номзод. Техникавий жиҳатдан қолоқлик, социал жиҳатдан таназзул мана шунинг оқибатидир. Нутқда мана шу номутаносибликни бартараф этиш учун кўзда тутилган чора-тадбирлар батафсил айтиб ўтилди.

Нотиқ тармоқ ишида яхшилик сари тез ўзгаришлар қилиш имкониятларини кўриб чиқа туриб, бир қанча аниқ-равшан таклифларни айтди. Шу таклифлардан бири, жумладан тармоқнинг бюджет билан ҳисоб-китоб системасини ўзгартиришдан иборатдир. Барча алоқа турларини ривожлантиришни жадаллаштириш учун алоқачилар ишлаб топган маблағларнинг аввалгига қараганда кўпроқ қисмини тармоқ ихтиёрида қолдириш лозим. Нотиқнинг фикрича, валюта маблағларидан яна ҳам оқилона фойдаланишга тааллуқли таклифлар ҳам айтилди.

Э. К. Первишиннинг номзодини муҳокама қилишда депутатлардан **В. И. Колесников, Ю. К. Шарипов, Ғ. Паллаев, А. Н. Крутов, Б. Н. Никольский, В. В. Горбатко, И. М. Смородин** қатнашдилар.

Кўпчилик овоз билан Э. К. Первишин СССР алоқа министри этиб тайинланди.

СССР савдо министри лавозимига К. З. Терехни тайинлаш таклиф этилади.

Министр лавозимига номзод минбарга таклиф этилади.

Халқ хўжалигининг обрўси жуда тушиб кетган тармоқларидан бирига раҳбарлик қилишимга тўғри келди, деди **К. З. Терех.** Экономикамиздаги барча нуқсонлар савдода бамисоли кўзгудагидек акс этади. Халқ депутатлари съездида ҳам, Олий Совет сессиясида ҳам дўконларнинг пештахталари ҳувуллаб қолгани ҳақида бир неча бор гапиришди.

Тармоқдаги кўпгина нуқсонлар савдо ходимларигагина боғлиқ эмас, деб давом эттирди нотиқ. Дўконларни товарлар билан тўлдириш керак. Бозордаги жиддий номувозанатлик савдодаги аҳволга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Даъвогар тармоқнинг ўзидаги нохуш аҳвол ҳақида ҳам гапирди. Савдо қолдиқ принципи узоқ вақтдан буён амал қилиб келган соҳалардан биридир. Шунинг оқибатида меҳнат деярли механизациялашмаган деса бўлади. Магазинларга моллар катта ўрамларда туширилади, тармоқда эса асосан хотин-қизлар ишлашди. Савдонинг прогрессив формаларини жорий этишда ҳам

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ОҚИБАТЛАРНИ ТУГАТИБ, МУАММОЛАРНИ ТЕЗРОҚ ҲАЛ ЭТАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фарғона областидаги воқеалар билан шуғулланувчи комиссиясининг 13 июль куни бўлиб ўтган мажлисида вайрон этилган жойларни тезроқ қайта тиклаш, аҳолини иш жойлари билан таъминлаш ҳамда унинг фаровонлигини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров олиб борди.

Шу нарса қайд этиб ўтилдики, Фарғона область ижроия комитети, маҳаллий Совет ва ҳўжалик органлари ҳозир ҳужумга зид хатти-ҳаракатлар натижасида вайрон этилган уй-жойлар ҳамда бошқа объектларни ремонт қилиш ва қайта тиклаш ишларини қониқарсиз ташкил этишган, Республика ҳукуматининг қарорларида кўзда тутилган қайта тиклаш ишларининг бутун комплексини рўёбга чиқаришни бир ой муддат ичида таъминлаш тавсия қилинди.

Комиссия республика иқтисодий органлари билан областларнинг Совет органлари зиммасига Фарғона водийси областларида иқтисодий ҳамда социал тараққиётни янада авж олдириш, меҳнатга қобилиятли бутун аҳолини, шу жумладан аҳолининг илгари ишсиз бўлган қисмини ва ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш соҳасидаги фаолиятни кучайтириш вазифасини юклади.

Якка тартибдаги уй-жой қурилишини ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга доир барча вазифалар тезроқ ҳал этилиши учун Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети билан область ижроия комитетларининг масъулиятини оширишга жиддий эътибор берилди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқини аҳоли ўртасида тушунтириш юзасидан доимий ва аниқ мақсадга қаратилган ишни давом эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

РАҲМ-ШАФҚАТЛИ ОДАМЛАР

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри армия генерали Д. Т. Язов 10 июль куни Москвада Афғонистондаги совет ҳарбий асирларини қутқариш учун курашаётган «Надежда» халқ комитети делегацияси билан учрашди. Мазкур делегация Покистон сафаридан қайтиб келган эди. Суҳбат чоғида совет қўшинлари чекланган қисми Афғонистон Республикасида бўлган йилларда бедарак йўқолган совет ҳарбий хизматчиларини қидириш ва қутқаришга оид муаммо муҳокама қилинди.

Армия генерали Д. Т. Язов бедарак йўқолган кишиларнинг қисматига тааллуқли барча масалаларни армия ва флот жангчиларн кўнгилларига яқин олишаётгани ҳақида сўзлади. У комитет аъзоларига олижаноб ишларида муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

ЯНГИ ҚЎҚОН ХИМИЯ ЗАВОДИНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

СССР МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МИНИСТРЛИГИ УШБУ КОРХОНА ИХТИСОСИНИ ЎЗГАРТИРИШГА ТАЙЁР, КОНКРЕТ ТАКЛИФЛАР ЗАРУР.

— Худди сизга ўхшаб биз ҳам заводнинг ихтисосини ўзгартириш тарафдоримиз, — деди СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министри Н. М. Ольшанский, у ўтган шанба куни Қўқонга келган эди. У корхонани айланиб чиқди. Партия ва совет раҳбарлари, инженерлар ва ишчилар, экологлар, норасмий ҳаракатларнинг вакиллари билан учрашди.

— Олимларнинг далиллари бор, албатта. Улар завод унга тўнкалаётган зарарни келтирмайди, дейишмоқда, — уқтирди министр. — Аммо корхона ичимлик сув манбаи устида қурилгани аниқ! Биз буни инобатга олишимиз керак. Бунинг устига, шунга амин бўлдикки, корхона жуда қаровсиз ҳолда.

Қўқонга сафарга отланаётганимизда, масаланинг тарихини ўрганиб чиқдик. Ярим тайёр завод Сўх ер ости сув манбаи устида турганлиги ҳақидаги дастлабки ахборот министрликка 1982 йилда келиб тушганлигини айтиб ўтмоқчиман. Лекин ўшанда ҳам ҳеч ким қурилишни тўхтатишни талаб қилгани йўқ.

Завод 120 миллион сўмга тушди. Кимки бу корхонани шу жойга мослаган бўлса ва фойдаланишга қабул қилиб олган бўлса — шуидай қўпол хатога йўл қўйгани учун жавоб бериши керак, мен бу фикрга қўшиламан. Бундан буён нима қилиш керак. Биз ҳозир ана шу энг муҳим масалани ҳал қилишимиз лозим. Чунки ишидан ажраб қолаётган бир ярим минг нафар меҳнаткашнинг сира айби йўқ.

Уларнинг бошига қора кун тушмайди. Ҳамонки, иккинчи ва учинчи кварталларда корхона ёпилаётган экан, биз уларга ўртача маошни тўлаб турамиз. Ихтисоси ўзгартирилган заводда нокимёвий ишлаб чиқаришни ташкил этиб, ўз тармоғимизда қолдиришга, валюта ажратиб беришга, чет эл фирмалари билан қўшма корхона очишга тайёрмиз. Нима кераклигини республиканинг ўзи ҳал қилсин. Аммо бу борада сусткашлик қилиб бўлмайди.

Қўқондаги суҳбат чоғида бир қанча таклифлар кўриб чиқилди. Тикув фабрикаси, уйсозлик комбинати, пахтани қайта ишлайдиган корхона очилсин, электр двигателлари ремонт қилинсин, плёнкалар, бир марта қўлланиладиган шприцлар тайёрлансин деган таклифлар бўлди. Аммо, афсуски бу таклифларнинг кўпчилиги мунозаралидир; ё экологик жиҳатдан тоза эмас, ё ишчиларни камроқ жалб этади, ё иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас...

Мана, икки йилдирки, биз лойиҳаларни экспертизасиз қабул қилаётганимиз йўқ, объектларни табиат муҳофазасига онд тадбирларсиз ишга туширмаяпмиз, — деди министр. — Демак, хато қайтарилмайди, дейишимиз учун асос бор. Аммо завод коллективига эътироз билдирмоқчимиз. Ўтган йили ўғит ишлаб чиқариш камайганида ҳавога зарарли моддаларни чиқариб ташлаш нега қарийб икки баравар кўпайди? Меҳнат маданияти пастлиги, технология интизоми , барбод этилганлиги шунга сабаб бўлган.

...Ҳақиқатан ҳам, заводни айланиб чиқсангиз кайфиятингиз бузилади. Корпусдаги дераза ойналари синган, ҳар ер-ҳар ерда фосфогипс уйиб ташланган. Бу капитал ремонтдан кейинги аҳвол! Куни кеча 600 кубометр сув солинган иншоот ёрилиб кетди. Қарангки, ҳўжайин ношуд бўлса, сув ҳам портлар экан!

— Чет эллик шериклар бу ерда жуда харидоргир мол — шампунни қадоқлашни ташкил этишмоқчи. Жуда фойдали иш. Аммо бир хавотиримиз бор: кўкламда кислотани ерга оқизиб юборишган эди. Шампунь ҳам беҳуда оқиб кетмасмикан? — деб сўрашди юристлари ачишиб, Иттифоқ министрлигининг вакиллари.

Хавотир олишганида жон бор. 15 йил мобайнида тармоқнинг Ўзбекистондаги корхоналарига икки миллиард сўмлик капитал маблағ сарфланди, социал соҳага 510 миллион сўм ажратилди. Ҳозирги вақтда, Қўқон ва Фарғона шаҳарларидаги касалхоналарни энг янги ускуна билан жиҳозлаш учун валюта ажратилмоқда. 1986 йилдан буён СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлигининг маблағига Қўқоннинг ўзидагина 500 тадан кўпроқ квартира қурилди. Ҳар йили уй-жой қурилиши учун 2,5 миллион сўм ажратилмоқда. Ҳамонки заводда уй-жой олиш учун навбат кутаётганлар кўпайиб бораётган экан, ўша квартиралар қаерга ғойиб бўлди. Санитария зонасида жойлашган посёлка аҳолисига тегиши лозим бўлган квартиралар кимга бериб юборилди? Министр 1990 йилда уй-жой қурилишига қўшимча тарзда яна миллион сўм пул ажратишни, коттежлар қуриш учун чет элдан кўчма ғиштзаводи сотиб олишни ваъда қилди. Бу коттежлар кимга тақсимланади? Бу Иттифоқ министрлигининг юмушими ёки шаҳардаги органларнинг ишими?

Хўжайин бўлиш деганда биз, аввало шу заминда яшаётган одамларнинг тақдири учун масъулият ҳис этишни тушунамиз. Бутун машмаша янги корхона учун жойни нотўғри танлашдан бошланди. Оқибатда 120 миллион сўм сувга уриб кетди, жуда ўткир социал муаммолар пайдо бўлди. Бу жуда аччиқ, бироқ фойдали сабоқ бўлади деган умиддамиз.

— Янги Қўқон заводининг ёпилиши натижасида ҳар йили неча ўн минглаб тонна ўғит кам ишлаб чиқарилар эканда?

— Бунга йўл қўймасликка ҳаракат қиламиз, — деб жавоб берди министр. — Янги Қўқон заводидан ўғитлар олиб турган Ўзбекистондаги олти область деҳқонлари махтал бўлиб қолмасликлари учун яқин орада Олмалиқ ва Навоийдаги қувватларни реконструкция қилишни мўлжаллаяпмиз.

Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзТАГ мухбири.
Қўқон,
Фарғона области.

СССР Олий Советининг қарори

МУДДАТЛИ ХИЗМАТДАГИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИНИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

Кундузги (қатнаб ўқиладиган) олий ўқув юртларининг студентлари орасидан СССР Қуролли Кучларига, чегара, ички ва темир йўл қўшинларига 1986—1988 йилларда чақирилган муддатли ҳарбий хизматчилар ўқишни давом эттириш учун ҳақиқий ҳарбий хизматдан 1989 йил августсентябрида бўшатилсин.

Мазкур ҳарбий хизматчилар ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлган вақт белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддати деб ҳисоблансин.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1989 йил 11 июль.

СССР халқ депутатлари съезди комиссиясида

Ҳужум қилмаслик тўғрисидаги 1939 йилги Совет — Германия шартномасига сиёсий ва ҳуқуқий баҳо бериш учун тузилган комиссиянинг навбатдаги мажлиси 12 июль куни А. Н. Яковлев раислигида бўлди. Ўша даврга тааллуқли ҳужжатларни аниқлаш ва ўрганиш тўғрисида ишчи группаларнинг ахборотлари тингланди, СССР халқ депутатлари съездининг топширувини бажариш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР БЕРИЛСИН

12 июль куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб ўтган кенгашда республика қурувчиларининг уй-жойлар, социал-маданий-маиший объектлар ҳамда енгил саноат объектларини барпо этиш юзасидан биринчи ярим йилликдаги иш якунлари кўриб чиқилди. Кенгашда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг, область ижроия комитетлари раисларининг ҳамда Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг капитал қурилиш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, қурилиш министрликлари ва идораларининг, план-молия органлари ҳамда назорат қилувчи органларнинг, Госснаб, Давлат нархлар комитетининг, темир йўл транспортининг, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Қ. Ҳ. Маҳамадалиев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС ЛЕНИНГРАД ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ЛЕНИНГРАД, 12 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда область партия комитетининг пленуми бўлди, унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Пленум Ю. Ф. Соловьевнинг илтимоси ва пенсияга чиқиши муносабати билан уни КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Илгари тармоқлараро давлат бирлашмаси — «Технохим» правлениесининг раиси бўлиб ишлаган Ленинград область партия комитетининг бюро аъзоси Б. В. Гидаспов обкомнинг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленум қатнашчилари ҳузурида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев нутқ сўзлади. (Нутқнинг матни эълон қилинади).

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский қатнашди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

мушкулликлар бўлиб турибди, жумладан ўзига-ўзи хизмат кўрсатишда мураккабликлар бор. Иш ҳақи секин ўсмоқда, кадрлар етишмаяпти, сотувчи касбининг обрўси йўқ. Шуларни таъкидлар экан, министр лавозимига номзод тармоқни мураккаб вазиятдан чиқаришнинг программасини баён этди.

Нотиқ ҳалтис саволларга, жумладан шакар-қанд муаммосига оид саволларга, шаҳар билан қишлоқ ўртасида ресурслар нотекис тақсимланаётгани, енгил автомобиллар сотишдаги камчиликлар хусусидаги саволларга жавоб берди.

Савдога оид долзарб муаммолар хусусидаги баҳс узоқ давом этди, масалалар ўткир қилиб қўйилди. Мунозараларда депутатлардан **В. В. Якушкин, В. А. Шаповаленко, В. Н. Степанов, М. Н. Москалик, И. А. Андреева, В. И. Гросс, Н. Н. Энгвер, В. И. Самарин, И. А. Дубко, А. А. Собчак** ва бошқалар иштирок этдилар. Тармоқ ишини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиб, нотиқлар савдодаги аҳвол халқ хўжалигидаги барча тармоқлардаги ишлар аҳволи билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидладилар.

Олий Совет К. З. Терехни СССР савдо министри этиб тайинлайди.

Сессия кўриб чиқиши учун Ю. К. Семёновни СССР энергетика ва электрлаштириш министри этиб тайинлаш тўғрисидаги масала киритилади.

Тармоқнинг бўлажак фаолияти концепциясини баён этиш ва депутатларнинг саволларига жавоб бериш учун сўз министр лавозимига номзодга берилади.

Халқ хўжалигининг ғоят муҳим тармоғи анча қийинчиликларга дуч келмоқда, деб таъкидлади **Ю. К. Семёнов**. Энергия билан таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келинмоқда, айрим регионларда эса узилишлар бўлиб турибди.

Депутатлардан **А. Акаев, П. А. Друзь, С. Я. Лашенов, В. И. Видикер, Н. С. Сазонов** ва бошқалар энергетика ва электрлаштириш муаммоларига тааллуқли анчагина мулоҳаза ва таклифларни айтдилар. Нотиқлар дарҳол ғайрат-шижоат билан ҳал этилиши лозим бўлган конкрет масалаларни ўртага қўйдилар.

Ю. К. Семеновни СССР энергетика ва электрлаштириш министри этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Танаффусдан кейин иккала палатанинг кечқурунги мажлиси бўлди. **А. И. Лукьянов** мажлисни очар экан, бир қанча депутатлар сессияда 1986—1988 йилларда хизматга чақирилган студентларни қуролли кучлар сафларида хизмат қилишдан озод этиш тўғрисидаги масалани бир неча бор ўртага қўйганликларини таъкидлади. СССР Мудофаа министрлигига, ҳукуматга зарур топшириқлар берилган эди. Шу масала хусусида сўз **Н. И. Рижковга** берилади.

Н. И. Рижков: СССР Министрлар Совети СССР Олий Советининг кўриб чиқиши учун муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларининг айрим тоифаларини ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини тақдим этади. Қарор лойиҳасида 1986—1988 йилларда СССР Қуролли Кучларида, чегара, ички ва темир йўл қўшинларида олий ўқув юртларининг 175 минг 700 студенти хизматни ўтамоқда. Агар улар ҳарбий хизматдан муддатидан илгари бўшатилса, жанговар қўшинларнинг сержантлар ва солдатлар билан таъминланиши 4,8 процент камаяди. Бу етишмовчиликни барча министрликлар ҳарбий қурилиш отрядларини комплектлаш учун ҳар йили ёш йигитлар ажратишни вақтинча 30 процент қисқартириш эвазига қисман қоплаш назарда тутилмоқда. РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва қуриш билан шуғулланаётган отрядлар бундан истиснодир. Олий Совет қарорни тасдиқлаганидан кейин шу масала хусусида ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилинади.

Сессия тегишли қарор қабул қилади.

СССР адлия министри лавозимига тасдиқлаш учун В. Ф. Яковлев номзоди тақдим этилади.

Минбарга **В. Ф. Яковлев** чиқди. У ўз программасини баён этар экан, Адлия министрлигининг вазифаси у ҳуқуқий давлатнинг асосий ишчи органларидан бири бўлиши лозимлиги билан белгиланади, деб таъкидлади.

Муҳокама этилаётган масала хусусида бўлган мунозараларда депутатлардан **В. И. Семенко, Н. И. Игнатович, С. Г. Лушчиков, Ю. В. Голик, А. А. Денисов, Б. И. Олейник** иштирок этдилар.

Кўпчилик овоз билан В. Ф. Яковлев СССР адлия министри этиб тайинланди.

Сессия СССР давлат комитетларининг раислари, идоралар коллегияларининг аъзолари лавозимларига номзодларни кўриб чиқишга ўтади.

СССР Маҳсулот сифатини бошқариш ва стандартлар давлат комитетининг раиси этиб В. В. Сичевни тайинлаш таклиф қилинади.

В. В. Сичев идорасининг ишига оид ўз программасини баён қилиш ва депутатларнинг саволларига жавоб қайтариш учун минбарга таклиф қилинади.

У депутатлар ҳузурида сўзлаган нутқида мамлакатда маҳсулот сифатини бошқаришнинг самарали системасини вужудга келтиришга оид ўз концепциясини баён қилиб берди.

Депутатлардан **Н. Н. Энгвер, В. Е. Курташин, С. И. Кудараускас** ўз сўзларида маҳсулот сифати муаммоларига, давлат комитетининг раиси лавозимига даъвогарнинг номзодига жуда қизиқиб қараганликларини изҳор қилдилар.

Сессия В. В. Сичевни СССР Маҳсулот сифатини бошқариш ва стандартлар давлат комитетининг раиси этиб тайинлайди.

СССР Ҳисоблаш техникаси ва информатика давлат комитетининг раиси сифатида Б. Л. Толстихни ҳукумат составига киритиш таклиф этилади.

Б. Л. Толстих бу идоранинг фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммолар хусусидаги ўз фикрларини баён қилар экан, жамиятга информацияни жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилаётганини маълум қилди.

Муҳокама қилинаётган масала юзасидан мунозараларда депутатлар **И. М. Богданов, Ю. А. Ржков** қатнашдилар.

Б. Л. Толстих СССР Ҳисоблаш техникаси ва информатика давлат комитетининг раиси этиб тайинланади.

СССР Гидрометеорология давлат комитетининг раиси лавозимига Ю. А. Израэль таклиф қилинади.

Ҳукумат аъзолигига номзод **Ю. А. Израэль** минбарга чиқади. У Гидрометеорология давлат комитетининг имкониятлари билан депутатларни батафсил таништирди, бу идора мамлакатнинг турли идоралари билан қандай ҳамкорлик қилаётганини гапириб берди.

Депутатларга шу нарса маълум қилиндики, совет олимлари дунёда биринчи бўлиб иқлимни ўзгартириш имкониятини аниқладилар. Бундан чиқадиган хулоса шуки, бу муаммони ўрганиш соҳасида қатъий чора-тадбирлар кўрилиши зарур. Эҳтимол, деди нотиқ, мамлакат энергетикаси ва қишлоқ хўжалигини қайта қуриш учун катта маблағ керак бўлар. СССР Министрлар Советининг Гидрометеорология давлат комитети ташаббуси билан қабул қилган қарорида иқлимнинг эҳтимол тутилган ўзгаришларини эътиборга олиб халқ хўжалигининг барқарорлиги давлат программасини ишлаб чиқиш топширилган. Шунга асосланиб, нотиқ СССР Олий Советидан мазкур муаммони махсус муҳокама қилишни уюштиришни илтимос қилди.

Муҳокама қилинаётган масала депутатларни бениҳоя қизиқтирди. Экология ва гидрометеорология хизмати билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мураккаблиги ва ижтимоий аҳамиятини, вақт етишмаслигини эътиборга олиб таклиф этилган номзод юзасидан мунозарани СССР Олий Совети сессиясининг навбатдаги мажлисига қолдиришга қарор қилинади.

Раислик қилувчи депутат Н. В. Босенкодан тушган хатни ўқиб эшиттиради, бу хатда пенсияларни ошириш тўғрисидаги масалани шу сессиянинг кун тартибига киритиш таклиф қилинади.

Н. И. Рижков сўз олиб, шу масала юзасидан изоҳлар берди. У ўртага қўйилган муаммони ҳал этишга амалий тарзда ёндашишга чақирди. Бу — жиддий масала, уни чуқур ўрганиш керак. Қўшимча 6 миллиард сўм қидириб топиш лозим. СССР Госпланига, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига, СССР Молия министрлигига, бошқа идораларга зарур топшириқлар берилган. Қонун лойиҳаси СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига тақдим этилади.

Депутатлар СССР Министрлар Совети Раисининг изоҳларини инобатга олдилар.

А. И. Лукьянов президиумга тушган хатларни ўқиб эшиттиради. Жумладан, депутат Н. Н. Медведев Ижтимоий хавфсизлик комитетини тузиш масаласига қайтишни таклиф этади, бу комитет социалистик ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни мувофиқлаштириб турган бўлур эди.

Депутатнинг таклифини СССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети муҳокамасига топширишга қарор қилинди.

Раислик қилувчининг айтишича, депутатлардан бир группаси Темир йўллар министрлигининг ходимлари шу тармоқ министри номзодини депутатлар қўллаб-қувватламаганликлари хусусида уларга таъна қилганликларидан президиумни хабардор этди.

Депутатлар Олий Совет аъзоларига тазйиқ ўтказиш йўлидаги уринишларни кескин қораладилар, бу уринишларга келгусида қатъий зарба беришга қарор қилинди.

Тартиб-қоидага оид баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Палаталарнинг қўшма мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

12 июль куни Москвада, СССР Олий Советининг мажлислар залида СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Раислик қилувчи А. И. Лукьянов палаталарнинг қўшма мажлисини очди. У солдат ва матрос оналари комитетидан СССР Олий Совети номига келган хатни ўқиб эшиттирди. Бу жамоат ташкилоти ҳарбий хизматчи студентларни запасга бўшатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги учун чуқур миннатдорчилик изҳор этади. СССР Олий Советининг янги состави, деб таъкидланади хатда, ўзининг қарори билан мамлакат ёш авлоди, маънавий потенциали тўғрисида амалий ғамхўрлик қилаётганлигини тасдиқлади. Бўлғуси мутахассислардан 175 минг киши қайта қуриш ташаббускорларининг сафларини тўлдиришига ишончингиз комил бўлиши мумкин, деб ёзади солдат ва матросларнинг оналари. Халқ депутатларимизнинг бундан буён ҳам самарали ишлашларини тилаймиз.

Раислик қилувчи солдат ва матрос оналари комитети депутатларга ажойиб атиргуллардан иккита катта гулдаста юборганлигини маълум қилади. Гуллар аёл депутатларга топширилади.

Раислик қилувчининг хабари қарсаклар билан кутиб олинди.

Депутатлар СССР Гидрометеорология давлат комитетининг раиси лавозимига тавсия этилган Ю. А. Израэль номзодини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Ю. А. Израэль депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

Муҳокама этилаётган масала юзасидан мунозарада депутатлардан **С. М. Рябченко, М. Ч. Залиханов, Ю. Ф. Казнин, В. И. Семуха, Е. Н. Ауелбеков, Г. И. Фильшин, А. В. Яблоков, В. С. Венгловская, С. Ф. Ахромеев, В. Д. Романенко, В. С. Шевченко** қатнашдилар.

Мунозаралар чоғида ўткир экология муаммоларини ҳал этишга идора манфаатини кўзлаб ёндашишдан, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг аниқ-пухта ва кенг қамровли программаси йўқлигидан жиддий ташвиш билдирилди. Гидрометеорология давлат комитетини техника билан жиҳозлашни яхшилаш, унинг фаолияти кенг ошкоралигини таъминлаш зарурлиги уқтириб ўтилди. Нотиқлар гидрометеорология хизматига бошчилик қилаётган шахсан Ю. А. Израэлга ҳам бир қанча даъволарни айтдилар. Жумладан, айрим депутатлар Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш вақтида Ю. А. Израэль ҳаракатларининг тўғрилигига шубҳа билдирдилар.

Н. И. Рижков муҳокама этилаётган масала хусусида баъзи нарсаларни изоҳлаб берди. У шуни қайд этдики, Чернобиль аварияси рўй берган фожиали кунларда, деярли ҳар бир дақиқа ғанимат бўлиб турган пайтда қарорларни тез, масъулиятли ва малакали қабул қилиш зарур эди. Ўшанда алоҳида вазият вужудга келганди. Ўчоқни сўндириш учун ғоят катта одам ресурслари ва моддий ресурслар талаб этилади. Мамлакатимизнинг энг яхши олимлари, шу жумладан Ю. А. Израэль ҳам жалб этилдилар. Илм-фанимизнинг гули бўлмиш ана шу кишиларсиз фожиа оқибатларини муваффақиятли бартараф этишнинг иложи бўлмасди. Уларнинг ҳаммасига раҳмат дейиш керак.

Н. И. Рижков Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш билан боғлиқ бугунги баъзи вазифаларга ҳам тўхталди. Ана шу вазифаларнинг ҳаммаси, деб таъкидлади нотиқ, инсон фаровонлигига, унинг соғлиғини сақлашга қаратилгандир.

Раислик қилувчи депутат В. Г. Ардзинбанинг хатини ўқиб эшиттиради, хатда СССР Гидрометеорология давлат комитетини бевосита СССР Олий Совети бўйсунувига ўтказиш таклиф қилинади.

Депутатнинг таклифини кўриб чиқиш учун СССР Олий Советининг экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари комитетига юборишга қарор қилинди.

СССР ҳукумати аъзоси лавозимига даъвогар номзоди овозга қўйилади. СССР Олий Совети кўпчилик овоз билан Ю. А. Израэлни СССР Гидрометеорология давлат комитетининг раиси этиб тайинлайди.

В. М. Серов СССР Давлат қурилиш комитетининг раиси этиб тайинланади.

В. И. Шчербаковни СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети раиси лавозимига тайинлаш тўғрисидаги масала сессия кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

Комитет ваколатлари соҳаси ва қайта қуриш шароитида ушбу комитетнинг янги вазифалари ҳақида қисқа ахборот бериш учун **В. И. Шчербаков** минбарга чиқади.

Комитет янги вазиятда ўз ўрнини топиши ҳамда бутун аҳолининг манфаатларига жиддий дахлдор бўлган бир қанча масалалар хусусида ўз зиммасига янги вазифаларни олиши керак, — деди у.

Ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим муаммолар орасида аҳоли сонини, ишчи кучларини меъёрида сақлаб туриш, тақсимот соҳасидаги муносабатлар, меҳнатга баҳо бериш муаммолари бор, деб уқтирди нотиқ. Бу ўринда гап аҳолининг турмуш даражаси ва турмуш сифати ҳақида, жамиятимизда одамнинг социал жиҳатдан муҳофаза этилиши тўғрисида бормоқда. Шу йўналишда ягона комплекс программа зарур. Кўпгина муҳим ишланмалар, чунончи, оила, аёллар аҳволи, аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнат самарадорлиги, социал-имтиёзлар масалаларига оид ишланмалар замонавий талаблардан орқада қолмоқда.

Даъвогарнинг фикрича, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасини, меҳнат ҳақидаги Қонунларнинг кўп жиҳатларини қайта кўриб чиқиш лозим.

Номзод депутатларнинг кўпгина саволларига жавоб берди.

Муҳокама қилинаётган масала хусусида мулоҳаза ва таклифлар айтиш учун депутатлардан **А. А. Павлий, В. А. Боровков, И. Кожахметов, В. Я. Стадник, В. И. Матвиенк, И. И. Заславский, Й. Т. Акбаров, Л. Т. Матийк, Н. П. Кирияк** сўзга чиқдилар.

Шаҳар ва қишлоқда ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитларига, аёллар ва болаларнинг социал манфаатларини ҳимоя қилишга, пенсия таъминотини такомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлашни ташкил этиш, социал муаммоларни ҳал этиш учун барча тармоқлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш масалаларига катта эътибор берилди.

В. И. Шчербаковни СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети раиси этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

СССР Давлат статистика комитетининг раиси лавозимига В. Н. Кириченко тавсия этилади.

Комитет раҳбари лавозимига кўрсатилган номзод минбарга таклиф қилинади. **В. Н. Кириченко** статистика ишини такомиллаштириш ҳақида гапириб, идора олдида турган вазифаларни таърифлаб берди.

Депутатлардан **Н. В. Федоров, В. С. Адвадзе** ва бошқалар статистика масалаларига оид ўз фикрлари ва таклифларини айтдилар.

Нотиқлар халқ хўжалигининг бир қанча энг муҳим соҳаларига оид статистика маълумотлари баъзан тўғри эмаслигини, Давлат статистика комитети уруш ва меҳнат ветеранларининг муаммолари ҳамда эҳтиёжларига етарли эътибор бермаётганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Кўпчилик овоз билан В. Н. Кириченко СССР Давлат статистика комитетининг раиси лавозимига тасдиқланади.

Депутатларга СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси лавозимига тавсия этилган Г. А. Ягодин номзодини муҳокама қилиш таклиф қилинади.

Г. А. Ягодин минбарга чиқади. Мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини жадал оширишга уни ҳозирги мураккаб аҳволдан ҳалос этиши мумкин, деди у. Яқинда учта Иттифоқ министрлиги негизида тузилган давлат комитети ўз сиёсатини белгилашда таълимнинг устунлигига, жамиятнинг тараққиёти, қайта қуришнинг муваффақияти ҳар бир кишининг ўқимишлилиги, аҳлоқийлиги ва касб-корни мукаммал эгаллаб олишига боғлиқлигига асосланиб иш тутмоқда.

Ривожланиб бораётган жамият илмга ихлос қўйиши зарур. Бироқ, деб таъкидлади нотиқ, бизда ўқимишлилик ва касб-корни пухта эгаллашнинг социал мавқеи паст, кўпгина мактаблар ва олий ўқув юртлари ҳаддан ташқари қаттиққўл, ўқитувчиларнинг билимдонлик даражаси ундан юқори эмас.

Г. А. Ягодин ўз нутқининг анчагина қисмини ўқув юртларининг иқтисодий аҳволига бағишлади, таълимга ажратиладиган маблағнинг улуши кўпайтирилиши кераклигини таъкидлади.

Шундан кейин халқ таълими муаммолари юзасидан қизғин мунозара бўлди, мунозарада депутатлардан **Г. С. Степанова, Ш. А. Амонашвили, В. А. Плютинский, А. И. Демидов** қатнашдилар.

Депутатларнинг нутқларида комитет раиси лавозимига даъвогарнинг шанига танқидий мулоҳазалар айтилди. Баъзи нотиқларнинг фикрича, у мактабнинг бениҳоя мураккаб муаммоларига ҳаддан ташқари катта умид билан қарамоқда. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши пастлигига, кўпгина мактаб биноларининг, айниқса қишлоқ жойлардаги мактабларнинг аҳволи ночорлигига, ўқув юртлари техника билан яхши жиҳозланмаганлигига эътибор қаратилди. Кечки мажлис вақти тугай деб қолди. Муҳокама этилаётган масала юзасидан сўзга чиқувчилар кўплигини эътиборга олиб, сессия Г. А. Ягодин номзоди юзасидан мунозараларни навбатдаги мажлисда давом эттиришга қарор қилади.

Шу билан палаталарнинг қўшма мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

Сўнгра СССР Олий Совети Миллатлар Советининг мажлиси бўлди. СССР халқ депутатлари съездининг топшируви биноан палата уч та комиссия — Тоғли Қорабоғ автоном областининг муаммолари; қрим татар аҳолисининг муаммолари, совет немисларининг муаммолари билан шуғулланувчи комиссияларнинг составини тасдиқлади.

13 июлда СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

(ТАСС).

• *Бугун — буюк француз революциясининг 200 йиллиги*



БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР

«УНИНГ БУЮК ДЕБ АТАЛИШИ БЕЖИЗ ЭМАС. БУ РЕВОЛЮЦИЯ ЎЗ СИНФИ УЧУН, УЗИ ХИЗМАТ ҚИЛГАН СИНФ УЧУН, ЯЪНИ БУРЖУАЗИЯ УЧУН ШУНДАЙ КЎП ИШ ҚИЛИБ БЕРДИКИ, БУТУН XIX АСР, БУТУН ИНСОНИЯТГА ЦИВИЛИЗАЦИЯ ВА МАДАНИЯТ БЕРГАН АСР ФРАНЦУЗ РЕВОЛЮЦИЯСИ БЕЛГИСИ ОСТИДА ЎТДИ.

В. И. ЛЕНИН».

Шу кунларда бутун тараққийпарвар инсоният француз халқи билан биргаликда буюк француз революциясининг — янги давр энг йирик буржуа инқилобининг 200 йиллигини нишонламоқда. XVII—XIX асрлардаги буржуа революциялари орасида унинг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки, у Франциядаги феодал-мутлоқ тузумга қақшатқич зарба берди. Табақавий имтиёзларни йўқ қилди. Феодалларга мажбурий ишлаб беришга барҳам берди. Черковларга қарашли ерларнинг катта фондини сотди. Шу тариқа деҳқонлар фойдаланадиган ер сатҳини кўпайтирди. Айни пайтда у корхоналарга хусусий эгалик эркинлигини, буржуазиянинг янада бойиб, унинг янги, капиталистик Францияда етакчилик ролини таъминлади. Француз инқилоби моҳият жиҳатидан буржуазия революцияси бўлсада, бироқ уни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида ҳақиқий халқ инқилоби эди. Деҳқонлар ва шаҳар камбағаллари буржуазия билан иттифоқ бўлиб, монархияни агдариб ташладилар ва демократик республикани ўрнатдилар. Қўлга киритган ғалабаларини жуда кўплаб ички ва ташқи душмандан ҳимоя қилдилар. Буржуазия ҳам, халқ оммаси ҳам феодализмга қарши, гарчи турлича тушунсаларда, озодлик, тенглик ва қардошлик шиорлари остида курашдилар.

Ўн саккизинчи асрда яшаган француз маърифатпарварлари — олимлар, файласуфлар, ёзувчилар бу инқилобнинг ўзига хос гоявий негизини тайёрлаб бердилар. Улар ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмаган шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг учинчи табақаси манфаатларини кўзлар эдилар. Революция даврнинг йирик тарихий арбоблари — Марат, Дантон, Робеспьер, Сен-Жюст ва бошқаларни майдонга чиқарди. Якобинчилар диктатурасининг ўрнатилиши француз инқилобининг гултожиси бўлиб, буржуа революциясининг асосий вазифаларини ҳал қилди.

В. И. Ленин ёзганидек, «буюк француз революционерлари ўз юртларида икки йил барқарор турдилар ва бирлашган Европа реакциясининг зарбалари остида, бутун дунёнинг бирлашган босқинчи қўшинлари зарбалари остида ҳалок бўлдилар». Аммо ҳеч қандай, ҳатто энг ёвуз кучлар ҳам инқилобий жараён тараққиётини тўхтатиб қолишдан ожиз эдилар. Кейинги қирқ йил ичида Францияда кетма-кет революциялар ва қўзғолонлар рўй берди. Жаҳон тарихининг бутун бир даври (1789—1871) капитализмнинг қарор топиши ва миллий-озодлик ҳаракатининг юксалиш даври бўлиб, у француз революцияси ғоялари руҳи билан суғорилган эди. Унинг илғор ғоялари жуда кўплаб мамлакатларнинг идеологиясига, адабиётига, санъатига, фанига самарали таъсир кўрсатди. Орадан 200 йил ўтгач ҳам француз халқининг — 1789 йил 14 июлда феодал — мутлоқ тузумнинг қароргоҳи бўлмиш Бастилия қалъасини эгаллаган халқнинг демократик анъаналари барҳаётдир. Инқилобий Францияннинг «Озодлик, Тенглик, Қардошлик!» шиори бугунги кунда ҳам барча тараққийпарвар инсониятни бирлаштириб турибди.

Суратда: В. Кононов чизган плакат (ТАСС).

• *Ўткир социал масала*

«ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШИ УЧУН УЙ ВА ЕР»

Республика ҳукуматининг қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш ва уларга якка тартибда уй-жой қуриб олиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақидаги қарорига жавобан жойлардан жуда кўп хат-хабарлар келмоқда. Қуйида ана шулардан бирини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

УЙ—БУ ВАТАН

Ҳа, шундай. Бизда кексалар «уй қурдингми?», деб сўрамайдилар. «Ватан қилдингми?» дейдилар. Бу сўзлар замирида катта маъно мужассам. Нега десангиз, бизнинг тушунчамиздаги бош ҳарф билан ёзиладиган Ватан худди ана шу ўзимиз қурган, яшаб турган уй остонасидан бошланади. Уйинг кенг бўлса бағринг ҳам кенг.

1985 йил декабрь ойида мен хўжаликка директор бўлиб келдим. Ўша йили совхоз плани ярим йўлда қолиб кетганди. Одамлар йил бўйи меҳнат қилган бўлсалар ҳам ёлчитиб пул ололмадилар. Ҳамёнда маблағ бўлмагач, уй қуриш, қишлоқ ободончилиги ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас.

Биз аҳволни ўнглаш учун аниқ тадбирлар белгилаб, унинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатдик. Ерни экишга тайёрлашдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган барча агротехника тадбирларини вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳар бир кишининг масъулияти оширилди. Натижа кутиб қўймади. **1986 йилда ялпи даромад 11 миллион сўмни ташкил қилди. 3 миллион сўм соф фойда олдик. Шундан кейин деҳқон хонадонларига кириб аҳвол сўраш имконияти туғилди. Аввал совхоз марказий қўрғонидан 15—20 километр узоқдаги 5 та бўлим аҳолисини тўплаб маслаҳатлашдик:** Кекса пахтакор Х. Хўжаназаров сўз олиб: «Совхоз экономикаси юксалгани кўнглимизни кўтарди. Аммо бундан ҳам яхшироқ натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун меҳнаткашлар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш лозим. Афсуски, ҳозирча яшаш шароитимиз ёмон. Шунинг учун одамларнинг ҳам ишлашга хоҳиши йўқ», деди. У ҳақ гапни айтганди.

Йўлларга асфальт тугул тош-шағал ҳам ётқизилмаган эди. Қишлоқ аҳолиси сувни узоқдан ташиб ичарди. Совхоз чегарасидан катта қувурда газ ўтарди-ю, аммо уй бекалари ғўзапоя ва тезак ёқиб чой қайнатардилар. Жуда кўпчилик аҳоли тор-танқис ҳовли-жойларда истиқомат қилардилар. Ўшанда бир неча хонадонга ҳам кирдик. Иккинчи бўлим ишчиси Н. Эсонов ҳовлисида тўрт оила яшаркан. Унинг 10 фарзанди бор. Болалари вояга етиб онла қуришган. Улар ҳам фарзандлик бўлганлар. Хуллас, бир ҳовлида 20 киши яшарди. С. Муҳаммадиев ҳовлисида эса беш оила ёки 30 киши турарди. Уруш ва меҳнат ветерани А. Нурматов хонадонида уч оила яшаган. Улар ҳам 20 кишидан иборат эди.

Биз олдинига уй-жойдан ниҳоятда қийналиб қолган шундай оилалар рўйхатини тузиб чиқдик. Дирекция партия ташкилоти, совхоз фаоллари билан келишиб, бундай оилаларга биринчи навбатда уй қуриб берадиган бўлдик. Хўжаликда қурилиш бригадаси ташкил қилдик. Бу биз учун унча қийин бўлмади. Райондаги турли ташкилотларда ишлаб турган қурувчиларни ишга таклиф қилдик. **Улар кучи билан ҳар йили 10 та уй қуриляпти. Яна 10 та уйни бизнинг буюртмамиз билан бошқа қурилиш ташкилотлари қуриб беришяпти. Ўз кучи билан уй қуриб олишни хоҳловчиларга эса томорқа учун ер ажратиб беряпмиз. Ўтган йили 50 кишига томорқа бердик. Бу йил ҳам шунча оилага ер участкаси ажратилди.**

Совхозимизда бу йил қурилиш кооперативи ҳам иш бошлади. Уларга биз икки қаватли уйлар қуриш учун буюртма берганмиз.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кенгайтирилган кенгашида қишлоқда яшовчи ҳар бир оила томорқа олишни хоҳласа, унга бу имконият берилиши лозим, деб таъкидланди. СССР халқ депутатлари съездида ҳам қишлоқ аҳолисининг уй-жойга бўлган талабини қондириш ҳақида кўп гапирилди.

Хўжалигимизда 20 минг аҳоли бор. Ер участкаси сўраб борганлар рўйхати эса бир дафтарга ҳам сиғмайди. Менга қолса, томорқа сўраган ҳар бир деҳқонга 15—20 сотихдан ер ажратиб берардим. Ҳозир эса бундай қилолмайман. Нега? Чунки томорқа учун ажратилган ер ни пландан чиқариш ниҳоятда машаққатли иш. Пландаги ерга эса экин экилиши, ҳосил йиғиб давлатга топширилиши керак.

Ҳозир 2000 йилгача аҳолини уй-жой билан таъминлаш шиори қўйилмоқда. Бироқ биз бу шиор остида яна турғунлик давридаги сингари штурмчиликка йўл қўймаётибмизми? Ахир бугун қурилган уйлар эртага маънавий эскириб қолаётир-ку? **Бунинг устига ҳар ким ўз билганича уй қуриб олаётир. Бир кўчада ҳам пиниқ, ҳам хом ғиштдан, ҳам лойиҳасидан қурилган уйларни кўриш мумкин. Бу уйларнинг дарвозаю, эшиклари ҳам ҳар хил. Афтидан, энди ҳар бир хўжалик ўз лойиҳачисига, ўз архитекторига эга бўлиши керакка ўхшайди.** Бу касбдаги мутахассисларни топиш осон эмас. Область агросаноат комитети, архитектура ва лойиҳалаштириш институти область филиали хўжаликлар учун бундай кадрларни тайёрлаб беришни энди мўлжал қилмоқда.

Қишлоқ қурилиши билан боғлиқ яна бир муаммо. Ҳозир қарийб бир йилда бир хўжаликда каттагина битта янги қишлоқ пайдо бўляпти. Лекин масала уй қуриш билангина ҳал бўлмайди. Қишлоққа электр нури, водопровод, газ, канализация, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ҳам керак. Қишлоқ йўлларига асфальт ётқизилиши лозим. Бироқ бу жумбоқлар йиллаб ўз ечимини кутиб ётади. Ҳамёнда етарли пулинг бўла туриб, бир километр йўлни асфальт қилиш учун ўнлаб эшикни тақиллатишга тўғри келади. Шунда ҳам ишинг битса яхши, битмаса, яна югуришга мажбурсан.

Биз ўз кучимиз билан материалларни ечишга ҳаракат қиляпмиз. Ўзимиз ғишт заводи қурдик. Йилига 15—20 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқаришимиз мумкин. Оҳак цехимиз ҳам бор. Яқинда асфальтбаз бригадаси туздик. Қурилиш материаллари ноёблигига ҳам барҳам бериш йўлларини излаяпмиз. Россиядаги бир қатор саноат корхоналари билан шартнома туздик. Биз уларга сабзавот, полиз маҳсулотлари, цитрус мевалари етказиб берамиз. Улар бунинг эвазига қурилиш материаллари жўнатадилар.

Ҳозирча қурилаётган уйларнинг баҳоси қимматроқ: 18—25 минг сўм. Бу деҳқонга оғирлик қилади. Арзонроқ лойиҳалар топиш чорасини кўрамиз. Лекин ҳозирча арзон лойиҳа йўқ. Шунинг учун биз уй ҳаражатларини 15—20 йил давомида тўлаб бориш имкониятини бердик. Бу ҳар йили 500—700 сўмга тўғри келади.

Деҳқон уйи кенг ва мустаҳкам бўлса, бу унга куч-қувват бахш этади. У касбини ардоқлайди. Унинг ерга хўжайинлик ҳисси ортади. Далада тер тўкиб меҳнат қилади. Бу жамиятга ҳам, деҳқоннинг ўзига ҳам фойда.

М. НОРҚОБИЛОВ,
Денов районидаги Ленин орденли «Ҳазорбоғ» совхози директори.

«Омма билан чамбарчас боғланған, ғоявий эътиқодли, ташаббускорона фикрловчи, фаол раҳбар — бугунги кунда ҳар бир партия ташкилотига худди ана шундай киши бошчилик қилиши керак».

(КПСС XXVII съезди материалларидан).

ҲОЗИР «ЛАВОЗИМ ҲУРМАТИ» ДАВРИМИ?

Партия ходимининг қайта қуришдаги ўрни ҳақида ўйлар



...Свердлов район партия комитетининг бюро мажлиси борарди. Кун тартибидаги масалалардан бирининг муҳокамаси чўзилиб кетди. Бюро аъзолари ягона фикрга келиша олмади. Ана шунда ҳамма беихтиёр унга юзланди. Мунозарани бўлмай, зимдан жимгина кузатиб ўтирган биринчи секретарь энди ўз мулоҳазасини айтиши лозим эди.

Ҳақиқат эгизак, адолатли йўл қўшалоқ бўлмайди. Тўғри йўлни топиш баъзан ниҳоятда мушкул. У асло янглишмаслиги керак, янглишишга ҳақи йўқ. Бюро коллегиал орган бўлгани билан, қабул қилинган ҳар қандай қарор учун аввалambор у жавобгар. Адашдими, тамом! Обрў-эътиборига путур етади. Буям майли-я, ўйламай қўйган қадами, нўрин сўзи билан ўзи мансуб бўлган Ленин партияси номига доғ тушириши мумкин. Энг ёмони, мана шу.

Биринчи секретарь Мавлон Раҳмонов ҳамон сукут сақларди. Бироқ у зимдан сокин кўрингани билан, аслида тинмай ўйлар, ўртага ташланган мулоҳазаларни ақл тарозисида тортиб кўрар, таҳлил қиларди. Ниҳоят, секретарь ўз фикрини айтди, уни далиллаб, исботлаб кўпчиликни ишонтирди. Натижада иш манфаатларини кўзлаб оқилона қарор қабул қилинди.

Энг оқилона қарор! У жамият, давлат ва шахс манфаатларини ифодалаши, илмий асосланган, ҳаётий тажрибага таянган бўлиши зарур. Бундай қарорни қабул қилиш учун партия ходими етарли билим ва тажрибага эга бўлиши, энг муҳими одамларни тинглай билиши, уларнинг ташвишларини юракдан ҳис эта олиши лозим.

Инсонга ғамхўрлик коммунист фаолиятининг бош йўналишидир. Зеро партиянинг ягона мақсади ҳам халқ учун яшаш, халққа хизмат қилиш. **«Биринчи секретарларни тайёрлайдиган махсус институтлар йўқ**, — дейди машҳур публицист, «Правда» газетаси партия турмуши бўлими редактори В. Кожемяко, — **уларни ҳаётнинг ўзи вояга етказади».** Партия комитетининг етакчиси лавозимини коммунистлар ўзларининг энг етук ва обрўли партиядош ўртоқларига ишониб топширишади. Бу лавозим амалдорлик курсиси эмас, балки халқ ва партия олдидаги юксак бурчни англатувчи масъулиятли вазифадир. Биринчи секретарнинг амалга оширилаётган ишлар учун бошқалардан кўра кўпроқ жавобгар бўлишдан ортиқ имтиёзи йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳаёт унинг ишчанлик, ғоявий, ахлоқий сифатларини, фидойилигини ҳар куни, ҳар соатда имтиҳон қилиб боради. Партия ходими кечаги хизматлари эвазига бугун иззатда бўлмайди. У ҳамиша, ҳар доим омманинг фикру ўйи, ташвишлари билан яшаши, шахсий манфаатларини устун қўймаслиги лозим. Бугунги куннинг талаби — шундай.

Гап партия ходимлари ҳақида борганда, беихтиёр бир кишини эслаб кетаман. Шахсий тасаввурим ва одамлардан эшитган ҳикоялардан олган таассуротларим бўйича у хотирамда большевикча принципиаллик ва тадбиркорлик, инсонпарварлик ва камтарлик рамзи сифатида қолган.

И. Ладушкин 1955 йилдан 1974 йилгача Тошкент областининг Бўстонлиқ, Оҳангарон ва Юқори Чирчиқ (Коммунистик) районларида партия комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлади.

Гарчанд ундан сўнг анча райком секретарлари алмашган бўлса-да, ушбу районларда одамлар Ладушкини ҳамон ҳурмат билан эслашади. Бундай чуқур эҳтиромга у қандай сазовор бўлган? Ахир, очиғини айтадиган бўлсак, у жойларда Илья Иванович одамлар учун жаннати ҳаёт яратгани йўқ, кўп йилларда бери ҳал қилинмаётган социал муаммолар ҳозир ҳам ўз ечимини кутиб ётибди. Бироқ шундай бўлсада, уни кўпчилик хотирасида сақламоқда. Боиси нимада?

Яқинда Ладушкин билан бирга ишлаган собиқ партия ходими устозига алоқадор қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб берди: **«Кечки соат 7 да райкомнинг бюро мажлиси бўлиши керак эди,** — дея эслади у. — **Ҳамма йиғилган. Фақат Илья Иванович йўқ эди. У тоғ оралиғидаги олис қишлоқларга кетганди. Шу боисдан энди мажлисни қолдирмоқчи бўлиб тургандик, бир пайт «биринчи» уст-боши чанг ҳорғин қиёфада кириб келди-да, узр сўраб, мажлисни бошлаб юборди. Кейин билсак, Илья Иванович қайтишда елкасига қоп кўтариб, қишлоғига кетаётган тоғли мўйсафидга раҳми келиб, отини берган экан».** Ладушкиннинг Коммунистик районида ишлаган пайтларини партия ва меҳнат ветерани Раҳим ога Довутбеков ҳам яхши эслайди: **«Илья Иванович ниҳоятда ҳалол ва принципиал одам эди. У ўзига ва таниш-билишига ҳеч қандай имтиёз яратган эмас. Бир куни бюро мажлисидан сўнг район матлубот жамиятлари раислигини рансини олиб қолиб роса «тузлабди». Маълум бўлишича, савдо ходимлари Илья Ивановичнинг рафиқаси Евдокия Прокофьевна кеккайган чоғида кунига дўконма-дўкон сарсон бўлмасин, деган ниятда озиқ-овқат маҳсулотларини (текинга эмас, албатта) уйига обоpишган экан. Биринчи секретарь бу ишдан қаттиқ норози бўлиб, «Бундай хизматингизни раҳбарларга эмас, уруш ва меҳнат ветеранларига қилинг»,** дея кўрсатма беribди. Ваҳоланки, унинг ўзи ҳам уруш ветерани, бир неча жанговар орден ва медаллар нишондори эди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Илья Иванович Ладушкин ҳозир оламизда йўқ. Бироқ юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган бу коммунист раҳбар ҳақида одамлар қалбида ёрқин хотира қолган. Бу — табиий ҳол. Зеро эллни ўйлаган элда эъзоз топади.

Инсон учун ўзидан кейин яхши ном қолдиришдан юксак бахт бўлмаса керак. Афсуски, бу бахт ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Ҳаётлигидаёқ одамлар хотирасидан ўчиб кетадиган раҳбарлар йўқ дейсизми? Бундай шахслар одатда, гарчанд халқ орасидан чиққан бўлишсада, амалдорлик ҳавосини олгач, оммадан ажралиб, одамларнинг ташвишларидан йироқлашиб кетадилар.

«Ҳозирги айрим димоғдор, амалпараст партия ходимларини кўрганимда, — деб ёзади самарқандлик партия ветерани А. Ҳақназаров, — **беихтиёр кўз ўнгимда улуғ Ленин сиймоси гавдаланади. Назаримда, доҳиймиз уларни кўриб, ўзи тузган ва кристаллдек соф бўлишини орзу қилган Коммунистик партиянинг келажагидан қаттиқ ташвишланаётгандек туюлади. Ҳаётдан, одамлардан ўрганишни ҳар ким ҳам Ильичдек уддалай вермайди. Ленин сургунда, чет элда юрган чоғларида ҳам, Халқ Комиссарлари Советининг Раиси бўлган пайтида ҳам ҳамиша ёрдамга муҳтож бўлганларга ғамхўрлик қилиш учун фурсат топарди. Ҳозир эса оддий райком секретарининг ҳузурига киролмай ҳуноб юрганлар кўп».**

Партия ходими ҳамиша, ҳар доим барчанинг кўз ўнгида бўлади. Редакцияга келаётган юқоридаги каби хатлар одамлар партия етакчиларининг маънавиятини, хатти-ҳаракатларини ҳамиша кузатиб боришаётганидан дарак бермоқда. Қайта қуриш, ошкоралик ва демократия йиллар мобайнида илдиз отган маъмуриятчилик, буйруқбозлик услуби оқибатида айрим партия раҳбарлари сохта обрў орттирганларини кўрсатмоқда. Шахсга сиғиниш ва турғунлик даврига хос бўлган **«лавозим ҳурмати»** бугун инобатга олинмаяпти. Лавозим одамни эмас, одам лавозимни безайди. Қайта қуришнинг мезони ана шундай. Демократиянинг шарофати туфайли коммунистлар раҳбарлик лавозимларига энг мақбул одамни танлашга, раҳбарнинг фаолиятини назорат қилиб боришга муваффақ бўлмоқдалар. Шундай бўлса-да, ҳали айрим партия ташкилотлари ишида эскича ёндашув, буйруқбозлик услублари мавжуд. Газетхонларни безовта қилаётган нарса ҳам мана шу. **«Атрофдаги хўжасизлик, пала-партишлик, масъулиятсизлик оқибатларини кўрганимда,** — дейди чирчиқлик ишчи Н. Гатауллин, — **кўз ўнгимга ҳашаматли кабинет тўрида қоғозлар уюмига ғарқ бўлиб ўтирган амалдор келади. У ҳаётга дераза синг харир пардаси орқасидан қарайди, одамлар билан телефон ва қоғоз орқали гаплашади. Бундай амалпарастлар халқнинг ташвишини қаёқдан ҳам билсин».** Фарғона областининг Сойбўйи қишлоғида истиқомат қилувчи Н. Ҳайдаров ҳам айрим раҳбарларга хос бўлган ўзгалар тақдирига бефарқлик кўринишларидан ранжийди. **«Турғунлик йилларидаги «Сен менга тегма, мен сенга...» шиорига ҳозир ҳам кўпчилик амал қилмоқда,** — деб ёзади у. — **Областимизда юз берган ноҳуш воқеалар масъул шахсларнинг бепарволиги туфайли содир бўлди. Ақл бовар қилмайди, ахир, ўнлаб партия, совет ва жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатиб турган жойда қандай қилиб одамлар бир гуруҳ жиноятчилар ортидан эргашишлари мумкин. Биз бировнинг ғам-ташвишига шерик бўлишдек энг қадрли урф-одатимизни унутдик. Лоқайдлигимиз шу даражага етдики, қўшнимизникига ўғри тушса ҳам, кўз олдимизда биров ноҳақ ҳақоратланса ҳам бефарқмиз».** Тошкент агрегат заводи ветеран ишчиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Дадаш Жалолов бундай бефарқликни ўз тақдирида синаб кўрганлардан бири. У ҳозир пенсияда. Кекса ишчи эътиборсизликдан ўкинади. Заводдаги иш фаолияти мобайнида у корхонадан бирон марта моддий ёрдам ёки дам олиш уйига йўлланма олмаган.

Ҳа, бепарволик ва лоқайдлик ёмон иллат. Лекин юртни, коллективни бошқариб турган раҳбарлар шу иллатга мубтало бўлишса, бу ундан ҳам ёмон. Ушбу тоифадаги шахсларга, улуғ Навоийдан ортиқ таъриф беришга ожизмиз:

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Улкан дарахт қўлайкасига интилувчилар кўп бўлгани сингари раҳбарнинг қаноти остига киришни кўзловчилар ҳамиша топилади. Уларнинг қуроли хилма-хил ва ниҳоятда даҳшатли: лаганбардорлик, хушомад, иккиюзламачилик ва ҳоказо. Хушомадни самимий дил сўзларидан ажратиб олиш қийин. У асалдек ширин, яхши ҳазм бўлади, бироқ секин таъсир қилувчи оғудек одамни мавҳ этади. Хушомад ҳам пора, маънавий порадир. Унинг домига тушмасликнинг ягона йўли партия ташкилотида, коллективда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш.

«В. И. Ленин хушомадга мойиллик, коммунистик манманлик партия аъзоси учун ҳалокатли таъсир кўрсатажагини ҳамиша эслатарди. **«Айрим коммунистлар ўзларини номуносиб тутиб, дог туширадиган хатти-ҳаракатлар қилаётганликлари сабабли биз кўп зарар кўрмоқдамиз,** — дейилади КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, — ...**одамлар ўзлари яшаётган конкрет, реал ҳаётдаги ҳамма ютуқ ва камчиликларни раҳбарга, аввало партия раҳбарига боғлашларини эслатмасак ҳам бўлар. Оддий меҳнаткаш партия комитети ҳақида, бутун партия ҳақида район, шаҳар ёки область партия комитетининг секретарига қараб мулоҳаза юритади».** Партия раҳбари лавозими ана шунинг учун ҳам ўта масъулиятли ва шарафли вазифа ҳисобланади.

Партиявий ишда бир хиллик, тайёр рецепт бўлмайди. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар куни янги-янги вазифаларни бажаришга тўғри келади. Уларни амалга оширишда кечаги тажрибагагина таяниш ярамайди. Шу боисдан ҳам партия ходими ҳамиша янгилик ижодкори бўлиши, доимо изланиши, коллектив фикрига таяниши мақсадга мувофиқдир. В. И. Ленин таъкидлаганидек, авангард ўзи бошчилик қилаётган оммадан ажралмай, уни ҳақиқатан олға бошлаб бора олгандагина ўзининг авангардлик вазифасини бажарган бўлади. КПСС бугунги кунда ўз ходимларини раҳбарликнинг сиёсий услубларини ўзлаштиришга даъват этаётир. Натижада партия ходимлари маъмуриятчиликдан воз кечиб, ташкилотчилик ва тарбиявий ишни одамлар орасига кўчиришмоқда, фаолиятларида кўпроқ ишонтириш, тушунтириш ва шахсий намуна орқали ўз ортларидан эргаштира билиш санъатлари намоён бўлмоқда. Бу услубни ҳаётнинг ўзи, ошкоралик ва демократия шароити тақозо этаётир.

Турғунлик йиллари мамлакатимиз тарихида катта асорат қолдирди. Ҳозир сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий соҳаларда зудлик билан ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар қалашиб ётибди. Партиянинг обрўси кўп жиҳатдан ана шу долзарб муаммолар қандай ҳал этилаётганига, озиқ-овқат маҳсулотларининг тўкин-сочинлигига, савдо пештахталаридаги молларнинг сони ва сифатига қараб белгиланади. Совет халқи Ленин партиясининг бу борадаги ташкилотчилик ва бунёдкорлик фаолиятига ҳамиша ишонади, унга эргашади. Бинобарин, КПСС мамлакатимиз равнақини, турмушимиз фаровонлигини таъминлашга қодир бўлган ягона сиёсий кучдир.

Бугун ҳам ҳар доим бўлгани каби коллективнинг, партия ташкилотининг муваффақияти партия раҳбарининг, сиёсий етакчининг шахсий фазилатларига боғлиқ. Яхши, тадбиркор раҳбар бор жойда кайфият ҳам, ишлар ҳам аъло даражада бўлади. Ҳозир «лавозим ҳурмати» даври эмас. Бугун раҳбар ҳар кунги фаолияти, одамларга муносабати орқали эътибор топади. Қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп, вақт эса зиқ.

Қани бошланг, ўртоқ етакчи!

Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ.



Ижара шарофати

Нукусдаги таксомотор парки ходимлари ижара пудратига ўтиши автомобиллардан фойдаланиш муддатларини узайтирди. Коллектив «маълум муддат хизматини ўтаб бўлган» машиналарни бундан буён янги шартнома системаси асосида ишлаш истагини билдирган ҳайдовчиларга ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ линияда ўттиз нафар шундай шофёр бор.

«Ижара» деб ёзиб қўйилган таксилар тобора аҳоли ишончини қозонмоқда.

Эндиликда транспортнинг бу туридан фақат шаҳарликларгина эмас, шу билан бирга корхонанинг ўзи ҳам манфаатдордир. Ижара жорий қилиниши йил бошидан буён 40 минг сўм фойда келтирди.

(ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН КАДРЛАР

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида бу йилдан бошлаб битирувчи студентларнинг билимларини баҳолашда ўзига хос давлат қабули жорий этилди. Олий ўқув юртини тамомлаётган йигит ва қизлар малакали қишлоқ хўжалиги мутахассислари иштирокида диплом ёқлайдилар ва давлат имтиҳонларини топширадилар. Бу халқ хўжалиги учун пишиқпухта кадрлар етказиб беришда анча мақбул тадбир эканлигини ҳозирданоқ яққол кўрсатди. Бу аввало студентларнинг масъулиятини оширди.

Институтнинг олти факультетида тўққиз хил мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаб берилмоқда. Олий ўқув юртида ҳаммаси бўлиб 5600 студент таҳсил кўриб, унинг 40 та кафедрасида 350 илмий ходим ва ўқитувчи илмий иш олиб бораётир. Бунга студентлар ҳам жалб этилмоқда. Бу ўз самарасини кўрсатмоқда. Фақатгина ветеринария факультетининг ўзидагина олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳар йили ўрта ҳисобда ўн миллион сўмлик иқтисодий самара беради.

Институт ўз ўқув-тажриба хўжалигига эга ва унда деҳқончилик ва чорвачиликнинг турли соҳалари бўйича қатор тажриба ишлари олиб бориш учун етарли шароит яратилган.

Бу йил институт ўзининг олтмиш йиллик юбилейини нишонлайди. Ана шу давр мобайнида унинг битирган 36 мингдан ортиқ мутахассис етишиб чиқди. Улар республика халқ хўжалигининг кўпгина участкаларида ҳамда республикадан ташқарида муваффақиятли иш олиб боришяпти.

Суратда: студентлар амалий машғулотда.

Р. ҒАФУРОВ сурати.
(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Машинасозлар изланишда

Қўқон электр машинасозлиги заводи ихтирочи ва рационализаторлари хом ашё, электр энергия ва меҳнат ресурсларидан тежамли фойдаланиш устида бош қотиришмоқда. Улар яратган олтита янгилик корхонага ўн минг сўмлик иқтисодий самара берди.

Ҳозир корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг қарийб 90 проценти давлат Сифат белгисига сазовор бўлган. Бунда Ҳ. Турсунбоев, М. Набиев, Н. Акбаров, Э. Аблязов каби пешқадамларнинг ҳиссаси катта.

М. ЭРГАШЕВ.

Ҳамкасбларга ўрнак

Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси Жалабек филиали меҳнатсеварлари беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш мусобақасида пешқадамлик қилишмоқда. Улар олти ойлик планни 130 процент бажаришди. Зубайда Умарова, Дилором Қаюмова, Роҳатой Худойназарова, Одина Бозоровалар пишиқ-пухта, тежамли ишлаб ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишмоқда.

М. АБДУЛЛАЕВ.

Салом, 1990 йил!

Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси йигирув цехининг пешқадамлари Елена Новосёлова, Садбарой Ортиқова, Тамара Конченко ва Мария Сидорова келгуси йил меҳнат календари ҳисобига ишлашмоқда.

Корхонада бундай ғайратли ишчилар сони кун сайин ортмоқда.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

Шунингдек, редакция жамоатчи мухбирлардан Э. Сувонов (Сирдарё), М. Давронов, А. Қутбиддинов (Фарғона), К. Отабоев (Андижон)лардан ҳам турли мавзуларда хат ва хабарлар олди.

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ВА ДЎСТОНА

Қонун лойиҳасидаги асосий қоида ва нормалар эътироф ва эҳтиромга сазовор. Шу билан бирга унда янада мукаммаллаштириш, тузатишлар киритиш лозим бўлган ўринлар ҳам талайгина.

Чунончи, 8-моддадаги «Ўзбекистон ССР гражданлари хизмат кўрсатиш соҳаси (савдо, тиббий ёрдам, транспорт, алоқа, турли маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш) ходимларига мурожаат қилганда, давлат тили ва рус тилини ёки миллий гуруҳлар ғуж яшайдиган жойларда ўзлари билган бошқа тилни қўллашлари мумкин», деган жумлани **«...даставвал давлат тилини, зарур бўлган ҳолатда рус тилини ёки бошқа бирор тилни қўллашлари мумкин»**, деб берилишини таклиф этаман.

13-моддадаги «Ўзбекистон ССРдаги корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳужжатлар ўзбек тилида ва рус тилида ёзилади», дейилган қўшалоқ тақрор ибораден воз кечиб, **«Ўзбекистон ССРдаги корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳужжатлар давлат тилида ёзилади, зарур бўлган тақдирда рус тилига таржима қилинади»**, деб кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

20-моддадаги «Ўзбекистон ССР давлат нотариал идораларида, халқ депутатлари район, шаҳар, посёлка ва қишлоқ Советларининг ижроия комитетларида нотариал иш ўзбек тилида, рус тили ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳолига мақбул тилда юритилади» деган гапнинг иккинчи ярмини «нотариал иш»дан бошлаб қуйидагича бериш лозим: **«нотариал иш ўзбек тилида ва айрим ҳолларда талабга кўра рус тилида юритилади».**

33-моддадаги «Лавҳалар, эълонлар, рекламалар, прейскурантлар ва бошқа кўргазмали ахборот ўзбек тилида ва рус тилида ёзилади», дейилган жумлани **«Лавҳалар, эълонлар, рекламалар ва прейскурантлар ва бошқа кўргазмали ахборот ўзбек тилида ва зарурятга қараб рус тилида ёзилади»** деб кўрсатилиши лозим.

«Тилларни ўрганишнинг мажбурийлиги ҳақидаги» 26-модданинг текстини бир оз аниқлаштириб, **«Ўзбекистон ССР гражданларига барча умумий таълим ва ҳунар мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида давлат тили мажбурий предмет сифатида ўқитилади ва улар ушбу фандан битирув имтиҳонлари топширадилар. Уз навбатида рус тили ҳам шундай ҳуқуққа эга бўлади»**, деб берилиши етарлидир. Шундай қилинганда, умумий текст ихчамлашиб, унинг мазмуни конкретлашади ҳамда моддани шарҳлашда ноаниқликлардан халос бўлинади.

38-моддадаги «Ўзбек адабий тили қонун-қоидаларини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва бошқа ваколатли ташкилотлар ишлаб чиқади, аниқлик киритади», деган текстга ҳам бироз тузатиш киритиб, **«Ўзбек адабий тили қонун-қоидаларини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги ва бошқа ваколатли ташкилотлар ишлаб чиқади, аниқлик киритади»**, деб ўзгартириш лозим.

Ўзбек тилининг қоида ва қонунларини ишлаб чиқишда фақат ЎзССР Фанлар академияси ихтиёридаги илмий муассасалар ходимларигина эмас, балки республикамиздаги университетлар ва пединститутлардаги тажрибали ва етакчи олимлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишга қодирдирлар. Ақс ҳолда адабий тил қоида ва нормалари амалий ҳаётдан ажралиб қолади.

39-моддада берилган икки абзацни бирлаштириб, **«Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни босқичма-босқич жорий этилади»** дейилиб, сўнгра қонунни жорий этиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни Министрлар Совети зиммасига юкламасдан, бу хусусдаги ҳуқуқий актларни бир йўла ушбу Қонуннинг ўзида амалга ошириш муддатларини кўрсатилган ҳолда акс эттирилиши давр талабига тўғри келади. Жумладан, Қонун лойиҳасининг 5-, 16-, 19-, 24-, 35-, 37-, каби моддаларидаги талабларни 1991 йилгача кетма-кет амалга ошириб бориш, бошқа моддаларни лойиҳа маъқулланганидан кейинроқ турмушга татбиқ этиш мажбурий, деб белгиланиши керак.

Шундай қилиб, қонун лойиҳасида ўзбек тили — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ва рус тили — мамлакат доирасида миллатлараро муносабатлар воситаси деб белгиланиши қайта қуриш талабларига тўла мос келади.

Н. РАЖАБОВ,
филология фанлари доктори, СамДУ профессори.

ТАКЛИФЛАР... МУЛОҲАЗАЛАР...

VI бобнинг 27-моддасига **«Институтлар илмий тўпламлари давлат тилида нашр қилиниши босқичма-босқич амалга оширилади»** деган сўзлар киритилиши мақсадга мувофиқдир. Шундагина фан ютуқлари республикамиз тараққиётига кўпроқ ижобий таъсир кўрсатади, илмий тавсияларни ишлаб чиқаришга қўллаш тезлашади, деб ўйлайман.

А. РЎЗИМУРОДОВ,
Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири.

* * *

VI бобнинг 24-моддаси **«Эски ўзбек ёзувини ўқитиш ўрта мактабларда, сўнгра эса ўрта махсус ва олий ўқув юртлари программасига киритилсин»** деган жумлалар билан бойитилишини истайман.

М. ҒОЗИЕВ,
Булунғур район, «Красногвардейский» совхози ишчиси.

* * *

IV бобнинг 13-, 14-, 15-моддалари қуйидагича талқин этилса:

13-модда.

Ўзбекистон ССРдаги муассаса, корхона ва ташкилотларда ҳужжатлар ўзбек тилида ёзилади.

Миллий гуруҳлар ғуж яшайдиган жойларда шу миллий гуруҳ тилида ёзилиши мумкин. Бундай ҳолларда расмий ҳужжат давлат тилида ҳам берилиши шарт.

14-модда.

Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти бошқарув органлари билан ёзишмаларда, шунингдек ўзаро ёзишмаларда республиканинг муассаса, корхона ва ташкилотлари ўзбек тилини қўллайдилар.

Шундан сўнг жумлалар лойиҳа бўйича давом этиши мумкин.

15-моддага ҳам шундай мулоҳаза киритилишини сўрайман.

У. АҲМЕДОВ,
шифокор, Ворошилов райони.

* * *

IV бобнинг 12-моддаси бизни ранжитди. Раҳбар ходимлар ҳам муомалани тобе ходимларнинг тилида олиб боришса мақсадга мувофиқ бўларди.

М. МИРЗАХОЛИҚОВ,
инженер.

* * *

1 боб 1-модданинг 3-хат боши, менимча, **«Ўзбек тилининг расмий давлат тили статусига эга бўлиши Ўзбекистон ССРда яшайдиган бошқа миллат гражданларининг ўз она тилини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларини камситмайди»** деб ёзилиши керак.

Ҳ. ЗУҲУРОВ,
Оқолтин райони.

* * *

1 бобнинг 3-моддаси иккинчи хатбошига қуйидагича ўзгаришлар киритилишини хоҳлайман: **«Ўзбекистон ССР чегарасидан ташқарига жўнатиладиган расмий хат-ҳужжатлар асосан ўзбек тилида ва унинг таржимаси рус ёки ҳар икки томон учун мақбул тилда тузилади».**

25-модданинг 1-хатбошидаги ўзбек сўзидан олдин «асосан» сўзини қўшишни тавсия қиламиз.

А. РЎЗИЕВ,
география фанлари доктори, Термиз педагогика институти кафедра мудири.
М. ЯНГИБОЕВ,
география фанлари кандидати, Қарши педогогика институти кафедра мудири.

* * *

1 боб 1-модданинг иккинчи хатбошидаги сўнгги жумлага **«... ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида кенг ва доимий равишда қўллашни таъминлайди»**, деб аниқлик киритилишини истардим.

VI боб 28-модданинг охирига **«Ўзбек алфавитидаги барча ҳарфлар мавжуд бўлган ёзув машинкалари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади ҳамда эркин савдога чиқарилади, муассаса, корхона, ташкилотлар шунда ёзув машинкалари билан таъминланади»** деб қўшиб қўйилишини истардим.

Шунингдек, VIII боб 31-модданинг сўнгги хатбошига **«...тилларнинг ички қонунларига қатъий риоя қилинишн шарт»** деб, XI боб 37-моддани нинг охиригача эса **«Ўзбек адабий тилининг амалдаги нормаларига қатъий риоя этилади»** деган аниқлик киритилишини таклиф қиламан.

З. НЕЪМАТОВ,
Бағдод райони.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ДАРС СОАТЛАРИ КЎПАЙТИРИЛДИ

Бағдод районидаги 26-мактаб ўқитувчиси М. Аҳмедов ва бошқалар редакциямизга йўллаган хатида шундай деб ёзишганди: «Биз бир гуруҳ ўқитувчилар мактабларда ўзбек тили дарсларини группаларга бўлиб ўқитишга, шароит яратиб беришда ва она тили дарсларини янада кўпайтиришда ёрдам беришингизни сўраймиз».

Газетхоҳ мактуби юзасидан Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлигининг умумий ўрта таълим ўқув-методика бош бошқармаси қуйидагиларни маълум қилади:

— 1989—1990 ўқув йилидан бошлаб рус тилида ўқитиладиган мактабларда йигирма беш ва ундан ортиқ ўқувчиси бўлган синфларда ўзбек тили дарслари икки группага бўлиб ўқитишга рухсат этилди.

Ўқув планининг 2-вариантида ўзбек мактабларидаги она тили ва адабиёти дарслари беш соат кўпайтирилди. Рус мактабларидаги ўзбек тили дарс соатлари миқдори амалдаги 16 соатдан 21 соатга кўпайтирилди. Вариантларни танлаш мактаб ихтиёрига берилди. Ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишни янада яхшилаш мақсадида қўламли чора-тадбирлар белгиланмоқда.

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашида ветеран Г. С. Фотисга тантанали вазиятда Греция миллий-мудофаа министрлигининг ёдгорлик медали билан қаршилик кўрсатиш ҳаракати ветерани дипломи топширилди. Мукофотни қаршилик кўрсатиш миллий ҳаракати курашчилари Умумгреция уюшмасининг илтимосига биноан Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов топширди.

Греция қаршилик ҳаракати ветерани Г. С. Фотис кўп йиллардан буён Қўқонда яшаяпти. Унинг ўз ибораси билан айтганда, Фотис республикада туб қўйиб, палак ёзди: унинг фарзандлари, набиралари шу ерда туғилди.

(ЎзТАГ).

«Космос — 2030» парвозда

1989 йил 12 июль куни Совет Иттифоқида «Союз» учирувчи ракетаси ёрдамида Ер-нинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-2030» учирилди.

(ТАСС).

• *Назм дафтаридан*

Эркин ВОҲИДОВ

Давлат иши

«Мамлакатимизда никоҳга асосан Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина давлат иши деб қаралди».
«Никоҳ ва оила», 1988 йил.

Икки жон қовушса юлдузлар огоҳ,
Бу қисмат амридир, чарх гардишидир.
Ерга тушган чоғи осмонни никоҳ
Чакана иш эмас, давлат ишидир.

Мана, бахт қушини бошга қўндириб,
Йигит самоларда қилмоқда парвоз.
Қувон, севганингни ЗАГСга кўндириб,
Сен давлат ишини бажардинг, шоввоз!

Чол-кампир етмиш йил тотиб ёнма-ён
Турмуш лаззатию ғам-ташвишини.
Қаранг, билмабдилар илк қовушган он
Адо этганларни давлат ишини.

Давлат иши қандоқ улуғ, мукаррам,
Авом фаросати етган эмасдир.
Мирзо Улуғбекни туққан она ҳам
Давлат ишни адо этган эмасдир.

Ерда инсон наслин қилганда пайдо,
Мангулик бадарға бўлиб жаннатдан
Ажаб, Одам Ато ва Момо Ҳаво
Ҳужжат олмадилар ҳеч бир давлатдан.

Нақадар гўр экан содда ва қолоқ
Фақат нисоб, имон йўлни тутганлар.
Бизнинг маърифатдан бўлмишлар йироқ
Қўйди-чиқди нима билмай ўтганлар.

Савод йўқлигидан тушунмай, э воҳ,
Набиралар кўрган манглайни қора
Турмуш—тақдир иши, табаррук никоҳ
Кўнгил иши, дея билди бечора.

Мана, ишқ кўкида қилган парвозинг
Муҳрлик қоғозда энди мустаҳкам.
Агар бўлмаса шу парча қоғозинг
Сенники эмасдир ўз фарзандинг ҳам.

Гар ўша қоғозда битта ҳарф хато
Ўғил маросхўрмас ота-онага.
Қирқ йил бирга турган эр-хотин ҳатто
Усиз кира олмас меҳмонхонага.

Никоҳ — давлат иши, бахтлар ярқироқ,
Мақтаниб оламга достон этганмиз.
Тирик етимларнинг сонида бироқ
Америкадан кўп ўтиб кетганмиз.

Наҳот бунч этган инқилоб ижод!
Мана бу гўдакнинг чиқмасдан тиши,
Муниса онанинг меҳридан озод,
Унинг тарбияси — давлатнинг иши.

На ишчида дастгоҳ, на деҳқонда ер,
На оламда бордир илм ташвиши.
Экмоқдир, ўрмоқдир, сотмоқ, олмоқдир —
Давлатнинг ишидир, давлатнинг иши.

Биз оламга ҳайрон, бизга-чи олам,
Бир ажиб турфа уй тиклабмиз бу кун.
Бу уйда ҳаммамиз кичкина одам,
Давлат жавобгардир ҳаммамиз учун.

Сен бойиб қолмассан тўккан билан тер,
Улмассан ястаниб ётсанг мабодо.
Давлат бамисоли улкан Гулливер
Миттн лилипутлар ватани аро.

Миттиларга хосдир виқор ва савлат,
Хаёлда Ер юзи хўжаларимиз.
Отамиз — Давлатдир, Онамиз — Давлат,
Бизлар никуватор жўжаларимиз.

Лекин ким қайғурар очмизми ё тўқ!
Азизим, бефойда даъводан кечгим,
Давлат деган сўзнинг бош-оёғи йўқ,
Давлат — бу ҳаммамиз, давлат — бу ҳеч ким.

Кўнглим орзу қилар танҳо осойиш,
Менинг ҳам биргина хоҳишим бўлсин.
Аҳолли ёримни бағримга босиш
Давлат иши эмас, ўз ишим бўлсин.



✦ **МАРИУПОЛЬ (Донецк области).** Ильич номли маҳаллий комбинат металлургларн шаҳар аҳлатхоналарида тўпланиб қолган люминисцент ёритгичларга қайта ишлов беришни йўлга қўйишди. Бу ерда махсус цех ишга туширилди. Ҳамма томондан зич ёпилган камераларда қайта ишланган рух махсус идишларга солиниб, электротехника ва медицина саноати корхоналарига жўнатиладн. Янги саноатнинг қувватларн Донбассдаги аҳлатхоналарн таркибида рух моддаси бор жуда кўп чиқиндилар ётган кўпгина йирик шаҳарларнинг коммунал хизматларн ва саноат корхоналарига марқуполлик металлургларн хизматидан фойдаланиш имконини беради.

✦ **МОСКВА.** Климов шаҳридаги қишлоқ хўжалик машиналарн заводи машинасозлари қишлоқ меҳнаткашларига ёрдамга келдилар. Улар КММ—1,0 кичик ҳажмли моторли ўт ўрнш машинаси яратдилар. Нотекис бўлган ҳамма ерда ҳам трактор тортадиган ўт ўрнш машиналаридан фойдаланиб бўлмайди, ўроқ билан эса кўп пичан ўроолмайсан. Люберецкдаги Ухтомский номли қишлоқ хўжалнк машинасозлиғи заводи ҳам ана шундай ўт ўрнш машиналарн ишлаб чиқарншни ўзлаштирмоқда. Айни пайтда корхона ижарачилар учун нстиқболли модель яратиш юзасидан ҳам иш олиб боряпти.

✦ **ПЕРМЬ.** Пермь кооператорларида СССР уй-жой-соцнал банки область бошқармасининг мукофотн ҳисобига ўз маблағларнни кўпайтириб олиш имкониятн пайдо бўлди. Бу ерда биринчи бор ўтказилаётган конкурснинг беш ғолиби ана шу мукофотни оладн. Ишдаги фаоллнк, нархлар ва харажатларнинг барқарорлиги ғолибларнн аниқлашдаги асосий мезонлар бўлади. Узнни кўрсатганлар моддий ва маънавий рағбатлантирншдан ташқари бир қанча янги ҳуқуқлардан ҳам, масалан, кредит олнш дагн устунликдан ҳам фойдаланишларн мумкин.

✦ **ЧИТА.** Чита областндаги Забайкалье район Советнинг депутатлари ХХР билан чегараолдн савдосини ва нқтисодий алоқаларнинг бошқа шаклларнн жадаллаштиришга эришдилар. Улар ташқн савдо алоқаларнни таъминлаш учун совет ҳузурида хўжалнк ҳисобидаги махсус комитет ташкил этдилар. Комитетга нқтисодчилар, юристлар ва таржимонлар кирди. Комитет ёрдамида Хитой қурувчилари учн билан «Дружба» ва «Бнлитуйскнй» совхозларида теплнца, «Красный великан» совхозида савдо марказн, Забайкальск посёлкасида сут заводн қурнш тўғрисидаги шартномаларнн оператнв тарзда имзолади.

(ТАСС).

СПОРТ

ЕШЛАР ЎЙИНЛАРИ:

МУНОСИБ ҲИССА

Мамлакатимиз шаҳарларида Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари давом этмоқда. Житомир шаҳрида велосипедчилар ўзаро куч синашмоқдалар. 50 километрга ўтказилган пойгада республикамиз спортчилари команда ҳисобида кучли олтниликдан жой олишди. Мерганларимиз эса Суми шаҳрида баҳслашмоқдалар. Улар тўққизинчи бўлиб, республика ёшларининг умумкоманда ҳисобидаги мавқеларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшдилар.

РЕГБИ:

ЎЗ МАЙДОНИДА

Олий лига командалари мамлакат чемпионатининг 20-тур ўйинларини ўтказишди. Ҳозир Красноярскнинг ЭТС коллектнви 55 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Тошкентнинг «Звезда» регбичилари ўз майдонида Монинонинг ВВА коллектнви билан учрашиб (18:21), имкониятини бой беришди. Меҳмонлар очколарини 50 тага етказиб, иккинчи ўриндаги мавқеларини яхшилашди. Кутансининг «Мшенбели» регбичилари 49 очко билан учинчи ўринда боришмоқда. Тошкентлик регбичилар 32 очко тўплаб, охирги ўринда турнпшибди.

ФУТБОЛ:

КУЧЛИ ОЛТИЛИКДА

Олий лига командалари ўртасида ўтказилган навбатдаги тур ўйинлардан кейин кучли олтиликдан жой олиб турган коллективлар мавқеида бироз ўзгариш бўлди. Чунончи, пешқадам пойтахт спартакчилари «Металлист» майдонида дуранг (3:3) ўйнаб, жами очколарини 27 тага етказишди. Пойтахт торпедочилари 23 очко билан учинчи ўринга кўтарилдилар. «Днепр» ҳисобида 22 очко бор. «Жальгирис» 21 очко билан тўртинчи бўлиб турибди. «Черноморец» навбатдаги ғалабадан кейин 20 та очко тўплади.

Ирода АЛИЕВА



Ўзбекистон театр ва кино санъати оғир жудолнкка учради. Ўзбекистон ССР халқ артисти Ирода Алиева 60 ёшида тўсатдан вафот этди.

Ирода Алиева 1929 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. «Ўзбекфильм» ҳузуридаги актёрлар билнм юртнни тугатганндан кейин у Тошкент театр ва рассомлик институтнинг актёрлик факультетнга кнради.

Ўқишни муваффақиятли тугатганидан кейин ишлаш учун Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрига йўлланма олади. Ана шу театрда артистнинг истеъдоди ва ижодий маҳорати чинакамига намоён бўлди. Ирода Алиева бир қанча спектаклларда қатнашди, кейинчалик бу асарлар ўзбек театр санъатининг хазинасидан жой олди. У «Ганг дарёсининг қизи», «Парвона», «Оғриқ тишлар», «Бой ила хизматчи», «Қонли сароб», «Севги афсонаси» спектаклларида бош ролларни ижро этди.

1972 йилда Ирода Алиева «Ўзбекфильм» киностудиясига ишга ўтди ва унинг шундан кейинги ижодий фаолияти то умрининг охиригача ана шу студия билан чамбарчас боғлиқ бўлди. У ўндан кўпроқ картиналарда ёркин, эсда қоларли образлар яратди. И. Алиева фильмларни ўзбек тилига дубляж қилишда ҳам фаол қатнашди, «Наштар» ҳажвий киножурналида роллар ижро этди.

Партия ва ҳукуматимиз Ирода Алиеванинг халқ олдидаги хизматларини юксак баҳолади-лар. Унга «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берилди.

И. Алиева Тошкент шаҳар Советининг депутати қилиб сайланган эди.

Умрини санъатга хизмат қилишдек юксак ишга бағишлаган эзгу ва ҳалол инсон Ирода Алиева хотираси санъаткор истеъдодининг мухлислари қалбида ҳамиша сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат божхона назорати бош бошқармасининг
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОЖХОНАСИ
Ўзбекистон ССР Давлат Қурилиш комитети қошидаги «ИНТЕРОСИЁ» КООПЕРАТИВ ФИРМАСИ СССР давлат чегарасидан олиб ўтилувчи товарларнинг ва бошқа мулкларнинг

ДЕКЛАРАНТИ

деб тан олинганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Шартнома тузишни хоҳловчи корхона, ташкилот ва кооперативлар қуйидаги адресга мурожаат қилишлари мумкин: 700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Телефон — 44-08-21. Телекс: 116131 ВЕСНА.

«ИНТЕРОСИЁ» КООПЕРАТИВ ФИРМАСИ «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЕРРИТОРИЯСИДА ЯШАЙДИГАН АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Агар Сиз ер ости газ қувурларидан, қудуқлардан ёки подваллардан газ ҳиди чиқаётганлигини сезиб қолсангиз, дарҳол қуйидаги эҳтиёт чораларини кўринг:
— ЎТ ЁҚМАНГ;
— ЧЕКМАНГ;
— ЭЛЕКТР ЁРИТИШ АСБОБЛАРИНИ ТОККА УЛАМАНГ ВА ЎЧИРМАНГ ҲАМДА БУ ҲАҚДА 04 ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ ЖОЙЛАРДАГИ ГАЗ ХЎЖАЛИГИ ХИЗМАТИГА АЛБАТТА ХАБАР ҚИЛИНГ.

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН: Ер ости газ қувуридан силқиб чиқаётган газ жиддий хавф-хатар манбаи бўлиб, у подваллар, қудуқлар, шунингдек турар жой биноларида портлаш хавфи мавжуд бўлган муҳитни келтириб чиқариши мумкин.

Ер ости газ қувурларидан газ чиқишини бартараф этиш бўйича ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар — СИЗНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНГИЗ ГАРОВИДИР.

Бахтсиз ҳодисалар юз беришининг олдини олиш мақсадларида қуйидагилар қатъий тақиқланади:
— бегона кишиларнинг газ қудуқларига тушиши;
— ота-оналарнинг болаларнинг қудуқлар ёнида ўйнашларига йўл қўйиши;
— қудуқларда ва улар ёнида тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган гулхан ёқиш.

Баллонлар ва сиғимли қурилмалардаги суюлтирилган газ билан ишлайдиган газ асбобларидан фойдаланишда ҚУЙИДАГИЛАР ҚАТЪИЙ МАН ҚИЛИНАДИ:
— газ баллони қурилмаларидан газ силқиб чиқишини ўзбошимчалик билан бартараф қилиш;
— газ асбобларидаги узеллар ва газли баллонларни ўзбошимчалик билан жойдан-жойга кўчириш, ремонт қилиш ва қисмларга ажратиш;
— узеллар ва туташиш жойларини очиқ аланга усулида текшириш;
— газ тўлдирилган эҳтиёт баллонларини олов яқинида ва қуёш нурлари тўғридан-тўғри тушиб турадиган ерда сақлаш;
— отиш ёки думалатиш йўли билан баллонларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш;
— газ баллонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш;
— ишлатиб бўлинган бўш газ баллонларини ёғ доғлари қоплаган ҳолатда қайтариш;
— суюлтирилган газ билан ишлайдиган сиғимли ва газ баллони қурилмалари яқинида гулханлар ёқиш ва болаларнинг ўйинларини ташкил қилиш;
— жойлардаги ва турар жойингиздаги шаҳар, район газ хўжалиги идорасининг рухсатисиз ва техника ҳужжатларини расмийлаштирмаган ҳолда газ баллони қурилмаларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш.

«Ўзбекгаз» газ тармоқлари қурилиши ва газ хўжалигидан фойдаланиш республика бошқармаси.
«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 12 июль сонида чиққан эълон қуйидагича ўқилсин:

Ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети «Ўзагростроӣ» республика йилов-мелиорация-қурилиш бирлашмасининг

ХЎЖАЛИКЛАРАРО ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ-ТЕХНОЛОГИЯ КОМПЛЕКТАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар 24 июлгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, В. Малясов кўчаси, 3-уй. Телефонлар — 35-36-47, 35-69-91.

•

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг

САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Сабзавотчилик — КУНДУЗГИ, СИРТҚИ;

Селекция ва уруғчилик, генетика, агрохимия — КУНДУЗГИ.

Аризалар — 1989 йил 30 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар ҳизомга мувофиқ қуйидаги адресга тақдим этилади: Тошкент области, Тошкент райони, «Кўксарой» алоқа бўлими.

Министрликлар ва идоралар, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОССНАБИ қуйидагиларни ЭСЛАТИБ ЎТАДИ

1990 йилда маҳсулотлар олиш учун таъминотчилар билан шартномалар (пролонгация) тузиш шарт.

Ўз вақтида ва сифатли тузилган шартномалар (пролонгациялар) — моддий-техника билан мунтазам таъминланиб боришнинг асосидир.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети контролерлнгн бошқарма бош мутахассиси И. Умаровга онаси
Умри
УМАРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи правлениеси Ўзбекистон ССР халқ артисти
Ирода
АЛИЕВАнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади..

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими қошидаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институти коллективи институтнинг. Кўқон таянч пункти катта илмий ходими, биология фанлари кандидати
Имомали
ЭГАМОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Шарқ юлдузи» журнали редакцияси коллективи журналнинг адабий ходими А. Асиловга отаси
Асил
НОСИРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• *Кооперативчилар ихтироси*

ОВОЗ БЮЛЛЕТЕНСИЗ БЕРИЛАДИ

Термиз шаҳридаги «Авангард» кооперативи раиси, радио ва радио алоқаси инженери Г. Молюгов ҳамда электрчи-инженер Ж. Менглибоевлар яқинда овоз беришда асқотадиган электрон-автомат қурилмасини яратдилар. У «Сурхон-В» деб аталади.

Ҳар бир сайловчи рўйхатдан ўтгандан кейин қўлига бюллетенни олиб, алвон билан ўралган махсус хонага киради. У ерда ўзига маъқул номзодни рўйхатда қолдиради, бошқаларини эса ўчиради. Ихтирочилар худди ана шу жараёни электрон-автомат аппарати зиммасига юкладилар. Бунда бюллетенинг зарурати йўқ. Сайловчи рўйхатдан ўтади-да, овоз бериш хонасига келади. Хона эшиги ўз-ўзидан очилади. У ичкари киргач, эшик автомат тарзида ёпилади. Хонадаги аппаратда номзодлар (улар 5 нафарга қадар бўлиши мумкин)нинг сурати ва қисқача таржимаи ҳоли худди экрандагидай яққол кўриниб туради. Ҳар бир номзодга тегишли ёзув тагида тугмача бор. Сайловчи шу тугмачани босганида аппаратдаги ҳар бир номзод учун алоҳида кодлаштирилган электрон-ҳисоблаш счётчиги овозни қайд этади. Сўнг чиқиш эшиги очилиб, сайловчига «рухсат берилди». Борди-ю, сайловчи овоз бермаса, эшик ҳам очилмайди. Хонага кирдингми, овоз беришинг керак.

Айрим сайловчилар бирваракайига икки номзодга овоз бермоқчи бўладилар. Бундай ҳолда бюллетень бузилган, деб топилади. Овоз бериш электрон-автомат аппаратида эса «бузилган бюллетенлар» бўлмайди. У жуда сезгир, секунднинг мингдан бир бўлагича лаҳзани ҳам ҳисобга олади. Сайловчи овоз бераётганда, у хоҳлайдими-йўқми, бармоқларидан бири тугмачага олдинроқ тегиши табиий. Ақлли машина учун шунинг ўзи етарли.

— Яқинда бўлган СССР ҳалқ депутатлари сайловида, — дейишади сурхондарёлик ихтирочилар, — 10 тоннадан кўпроқ қоғоз сарф бўлди. Областдаги 433 та сайлов участкасининг ҳар бири учун 600 сўмдан маблағ ажратилди. Бюллетенларни санаш учун юзлаб кишилар банд бўлдилар. Овоз беришда электрон-автомат техникаси қўлланилганда ҳам вақт тежалади, ҳам маблағ иқтисод қилинади. Бунда ҳар қандай гирромликка чек қўйилади. Бир киши икки ёки уч сайловчи номидан овоз беролмайди. Участка сайлов комиссияси аъзолари истаган пайтда овоз берган сайловчилар умумий сонини билишлари мумкин. Бунинг учун комиссия столи устидаги тугмачани босилса, бас — таблода рақамлар пайдо бўлади.

Ҳозир демократия ва ошкоралик даврида кўпгина коллективларда раҳбар кадрлар сайлаб қўйилмоқда. Бунинг устига олдинда маҳаллий Советларга сайловлар ҳам бор. Овоз бериш электрон-автомат аппарати бундай пайтда жуда қўл келади. Кооператорлар эса хизматга тайёр. Бироқ унгача бир муаммони ҳал қилмоқ лозим. Овоз бериш хонасини жиҳозлаш учун 500 — 600 сўм маблағ талаб қилинади. Ихтирочиларнинг айтишларича, пул муаммоси ҳам ҳал бўлиши мумкин. Лекин улар ясаган қўлбола қисмлар, овоз бериш кабиналарини ясаш учун саноат корхоналарининг ёрдами керак.

Н. ҲАИИТҚУЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

«Советская Каракалпакия» газетаси Оролни сақлаб қолиш, Оролбўйи регионда экологня ва санитария ҳолатнни соғломлаштириш юзасидан тақдим этилган халқ лойиҳаларини эълон қила бошлади.

Таҳнатошлик қурувчи В. Кундуховнинг редакцияга биринчилардан бўлиб келган ижодий ишланмаси жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди. Муаллиф Амударё сувини уни ифлослантираётган манбалардан тозалашнинг ўз вариантнни, шунингдек автоном республика аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммосининг ечимини таклиф қилган.

Оролни қутқариш ташаббускорлари юборган, энди редакция эълон қилишга тайёрлаётган таклифлар мажмуаси орасида қизиқарли, ўзига хос бошқа ечимлар ҳам оз эмас.

(ЎзТАГ).



РАҒБАТЛАНТИРИШ

Мен Пит Берлоу билан таниш эдим. У кучуклар ва отлар ўйнатиб цирк номерлари кўрсатар, цирк ва водевиль труппалари билан олам кезарди. Мен Питнинг янги кучукларни томоша кўрсатишга ўргатишини кузатишни яхши кўрардим. Кучук бирон бир ҳаракатни ўринга қўя бошласа борми, Пит уни пиёпалар, мақтаб унга гўшт берар, ҳуллас бутун қиёфаси билан жониворлардан мамнунлигини билдирар эди.

Бунда ҳеч қандай янгилик йўқ. Ҳайвонларни ўргатувчилар юз йилдан ошдики, ана шу усуллардан фойдаланадилар, бу оддий соғлом фикр мевасидир. Аммо биз одамларга таъсир ўтказмоқчи бўлганимизда нега шу соғлом фикр мевасидан фойдаланмаймиз? Нега биз қойиш, қамчи ўрнига эркалашдан фойдаланмаймиз? Ҳақорат, ёзғиришни ўрнига нега мақташдан фойдаланмаймиз? Келинг, ҳатто кичкинагина ютуқ учун мақтайлик. Бу янада такомиллашувни шунчалар рағбатлантирадики!

Мақташнинг сеҳрли таъсирини кўрсатувчи мисоллар тарихда тўлиб-тошиб ётибди.

Мана бир мисол: бундан эллик йил муқаддам Неаполдаги фабрикада ўн яшар бола ишлаган экан. У қўшиқчи бўлишни жудаям хоҳлаган-у, аммо биринчи ўқитувчи ҳафсаласини пир қилган. «Сен қўшиқ айтолмайсан, — деган у, — сираям овозинг йўқ. Сен эшик тирқишидан ўтаётган шамолга ўхшаб увиллайсан...»

Боланинг бахтига камбағал деҳқон бўлган онаси ўғлини мақтади ва у ашула айта олади, у тобора яхши айтаяпти, дерди. Она юпун кийиниб, яланг оёқ юриш даражасига тушиб қолган бўлса ҳам, ўғлининг музика машғулотларига пул тўпларди. Онанинг мақтовлари ва қўллаб-қувватлаши боланинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Менимча, сиз у ҳақда эшитгансиз. Унинг исми шарифи Энрико Карузо.

Бундан кўп йиллар муқаддам Лондонда бир йигит ёзувчи бўлиш тўғрисида орзу қилган экан. Афтидан, унинг бу орзусига ҳамма қарши бўлган. У тўрт йилдан ортиқ мактабга қатнай олмаган. Қарзларини тўлай олмагани учун отасини турмага ташлашгач, бола қашшоқ турмуш нима эканлигини барвақт татиб кўрди. Ниҳоят болани ишга қабул қилишади: у қаламушлар ғужғон ўйнаб ётган ертўлада этик мой банкаларига ёрлиқ ёпиштирарди. У боқимсиз қолган бошқа болалар билан чордоқларда ётиб юрарди.

Бола ўзининг ёзиш қобилиятига деярли ишонмасди. Биринчи қўлёзмасини, устимдан кулишмасин деб ярим кечада, яширинча почта қутисига ташлаган эди. У кетма-кет рад жавобини оларди. Аммо буюк кун насиб этиб қолди — бир ҳикояси қабул қилинди. Тўғри, ҳикоя учун бир шиллинг ҳам олмади, аммо редактор уни мақтади. Азбаройи ҳаяжонланганидан кўчаларни кезиб, боши оққан томонга равона бўлар, кўзларидаги минг бир ёш юзларини юварди. Редакторнинг мақтови унга ишонч бахш этди. Ана шу рағбатлантириш бўлмаганида эди, бутун умри каламушлар ғужғон ўйнаган фабрикаларда ишлаш билан ўтармиди, балки. Эҳтимол, бу бола ҳақида ҳам эшитгандирсиз. Уни Чарльз Диккенс дейишарди.

Бундан эллик йил муқаддам лондонлик бошқа бир йигитча мануфактура дўконида ходим бўлиб ишлаган. У эрта тонгда, соат бешда туриши, бинони супуриб-сидириши ва ҳудди каторга ишчисига ўхшаб кунига ўн тўрт соат ишлаши керак эди. Бу оғир ишдан у нафратланарди. Орадан икки йил ўтгач, бу ишни бажаришга унинг мадори етмай қолди ва кунларнинг бирида ўн беш миль масофани пиёда босиб, бадавлат бир хонадонда экономка — хизматкор бўлиб ишлаётган онаси ҳузурига йўл олди.

У онасига телбалардек йиларди. Аламидан йиглади.

Агар ана шу дўконда яна ишлашга мажбур бўлсам, ўзимни ўлдираман, деб онт ичди. Кейин у ўзининг кекса ўқитувчисига узундан-узоқ қаттиқ таъсир этувчи мактуб ёзди, унда ғам-андуҳ уни мажруҳ қилганлиги ва энди яшаш жонига текканлигини айтади. Кекса ўқитувчи унинг қобилиятини мақтайди, у жуда ақлли ва қобилиятли йигит, ғўзалликни ҳис этувчи нозик дид эгаси эканлигини айтади.

Бу мақтов йигитнинг келажагини ўзгартириб юборади ва инглиз адабиёти тарихида ўчмас из қолдиради. Зеро, шу йигит ўшандан бери етмиш етита китобини нашр эттирди. Сиз, ҳойнаҳой, у ҳақда эшитган бўлсангиз керак. Унинг исми шарифи Г. Д. Уэллс.

Ана, энди марҳум профессор Уильям Жемснинг (У Американинг энг машҳур психологи ва файласуфи бўлган бўлса ажабмас) нима деганига қулоқ солинг:

«Аслида қандай бўлишимизга келганда шуни айтиш керакки, биз ҳали ярим уйқудамиз. Биз жисмоний ва ақлий имкониятларимизнинг жуда оз қисмидангина фойдаланамиз. Бошқача қилиб айтганда, инсон шахси то ҳанузгача ўзидаги имкониятлардан энг кам фойдаланиш чегарасидан чиқмай яшаб келмоқда. У хилма-хил қобилиятларга эгадир, аммо одатда уларни қаерда қўллашни билмайди».

Ҳа, ушбу сатрларни ўқиётган сиз ҳам кўпгина қобилиятга эгасиз, бироқ улардан фойдаланишга муваффақ бўлолмайсиз; сиз ҳойнаҳой тўла фойдаланмайдиган қобилиятлардан бири — бу мақташ ва тан олишнинг одамларда яшириниб ётган имкониятларни рўёбга чиқаришдаги сеҳрли кучидан фойдаланмаслик бўлса керак.

Шундай қилиб, агар сиз кишини хафа қилмай ва унда норозилик туғёнини қўзғамай, уни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, —

Ҳатто энг камтарона муваффақиятн учун ҳам унинг кўнглини кўтаринг ва бунда самимий бўлинг, сахийликни аяманг.

Русчадан Тўлаган НАЖМИДДИНОВ таржимаси.

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида)

АХБОРОТ

ЯНГИ МАДАНИЙ МАРКАЗ

Ўттизинчи йиллар охирларида Узоқ Шарқдан корейс миллатига мансуб одамларнинг катта қисми Ўзбекистонга ҳам кўчириб келтирилган эди. Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида корейсларни кўплаб учратиш мумкин. Улар ўзларининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлган. Бироқ ўз юртларидан ажралиб қолиш бу халқнинг ҳам тили, урф-одатлари ва анъаналари ривожига сезиларли даражада халал берди.

Яқинда Фарғона шаҳрида водийда истиқомат қилувчи корейслар учун маданий марказ очилди. Маданий марказ учун шаҳардаги Интернационал кўчасида кўркам бино ажратиб берилди. Бу ерда корейс ва ўзбек тилини ўрганиш курслари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва бошқа қатор уюшмалар фаолият кўрсатмоқда. Корейс маданий маркази миллий урф-одатларни тарғиб қилиш, бошқа халқлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш борасида ишлар олиб боради. Муҳими, водийлик корейсларнинг миллий тили, маданияти ва санъатини қайта тиклаш ва сақлаб қолишга хизмат қилади. Маданий марказ таъсис йиғилишида унинг ишига раҳбарлик қилувчи кенгаш тузилди.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАВАСКОР МУНАЖЖИМ

Навоий қурилиш бошқармасининг инженери А. Гисса кўп йиллардан бери ёш мунажжимлар тўгарагнга раҳбарлик қилмоқда. Ўттиз йил аввал у ернинг сунъий йўлдошларини кузатишдаги муваффақиятлари учун СССР Фанлар академияси астрономия кенгашининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлган эди. Моҳир инженер ўқувчилар коинотни кузатиши учун диаметри 220 миллиметрли кўзгу-телескоп яратди. Ҳаваскор мунажжимлар осмон жисмларини қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

ҲУЖАЛИК ЮБИЛЕИНИ

Яқинда Конимех район «Шофиркон» совхози ишчилари хўжаликнинг 25 йиллигини ишонлашди. Шу муносабат билан совхоз марказий қўрғонида қорақўлчилар сайли уюштирилди. Чавандозлик мусобақалари, «Қиз қувди» баҳслари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ўзига хос тантанада қардош Қорақалпогистон, Қозогистон ва Тожикистон чавандозлари ҳам иштирок этишди. Совхоз чорвадорларига ўтган йилги муваффақиятлар учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроги топширилди.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04215. Б. — 164. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12